Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
45 сон
9 — 15 ноябр, 2006 йил

# ҚАЛБЛАР ТУҒАВЕРСИН ЖАСОРАТЛАРНИ



Оиламиз меҳмони

***Ёшлик асли гўзалликмидинг,***
***Шижоатли армонмидинг, айт?***
***Бахт аталмиш тансиқ неъматдан***
***Камнасиба — арзонмидинг, айт?***
***Сени соғинч сўроқлар букун,***
***Ортда қолмиш дийдоринг, маслинг.***
***Жасоратни туққанлигинг рост,***
***Шу ранг билан кечмишинг, аслинг!***

Бу мисралар муаллифи нуроталик (Навоий вилояти) ижодкор Шарбат Мухторова...

- Мактабни тугатгач, Самарқанд Давлат Университети филология факультетининг иккинчи курсида ўқиётган кезимда юртдошим ижодкор Раҳмон ака Чинмирзаевга турмушга чиқдим,-дея сўз бошлайди Шарбат опа.- Журналист Раҳмон ака билан ўтказган мазмунли ва фараҳбахш кунларни ҳеч эсимдан чиқаролмайман. 5 фарзандимиз бўлди. Уларнинг жамолини кўриб, ҳар кун бир бўй ўсиб яшаётгандик. Аммо бевақт ўлим иккинчи фарзандим Элбегимдан жудо қилди. Унинг доғида куйиб, Раҳмон акам 40 ёшда оламдан ўтди.

**- Бу айриликларга бардош бериш осон эмас албатта.**

- Эҳе, аёл бошим бу кунгача нималарни кўрмади, қандай савдоларга дуч келмади дейсиз. Ўзим отадан етим қолган эдим. Тақдир такрорланди. Қўлимда 2 ойлик чақалоқ билан яшаш учун курашишим, ишлашим, болаларимнинг оғзига бир нима тутишим керак эди. Авваламбор қариндошларга, қадрдонларга суяндим. Боламнинг сал суяги қотгач, туман газетасига мухбир бўлиб ишлай бошладим. Эрталабдан кечгача ишда бўлсам-да чошгоҳ ишдан қайтиб, ош-овқат, болаларнинг дарслари билан шуғулланардим. Улар ухлагач, "кир юв, нон ёп"дан бўшамасдим. Гоҳо эрталабгача газета топшириғи билан мақола ёзиб чиқишимга тўғри келарди. Меҳнатдан қочмаганим учунми, қаддимни тутиб, йўлимни топдим.

Бу орада Каттақўрғон шаҳар газетасида ишладим. Сўнг Навоий вилояти телерадиосида муҳаррир, Нурота туман хотин-қизлар раисаси лавозимларида фаолият юритганимда ҳам аёлларимизнинг қувончу ташвишларига шерик бўлдим.

**- Шарбат опа, қаерда, қайси лавозимда ишламанг "ёлғиз, боши очиқ аёл"лигингизни эслатганлар учраган бўлса керак?**

- Бу - менинг оғриқ нуқтам. Ёш эдим (30 ёшда эдим), "кўлимни сўраганлар", "дўст" бўлишни таклиф қилганлар ҳам учраган. Мен Раҳмон акамнинг ўрнида бировни тассавур қилолмаганим учун, уларга ўзига яраша жавобни шартта айтиб кетаверардим. Бу ҳақиқатгўйлигим, шартталикилигим туфайли менга қарши уюштирилган ноҳақликларини ҳам енгиб чиққанман.

**- Мухбирлик хизмати жараёнида тасодифлар, қизиқарли воқеалар кўп бўлади...**

- Тўғри айтасиз... 1984 йилнинг январь ойидаги сафарим ҳеч эсимдан чиқмайди. Давлат мукофотини олган, чўпон Қамариддин Эрмонов ҳақида ёзиш учун Қизилқум томон йўл олдим. Аммо қайтишда Қум бўхрони авжига чиқиб, машина юролмай қолди. Ҳеч қачон отга минмаган аёлнинг чўлдан марказгача чавандозлик қилганини тасаввур қилинг энди. "Қизилқумнинг лабидаги хол" номли очерким — ўша ҳис-ҳаяжонлар маҳсули. "Тонгдаги шабнам" очерклар тўпламимга кирган мақолаларим ва ҳикояларимнинг ҳам ўз тарихи бор...

* * *

Опанинг ҳаётида юз берган воқеалар унинг китобига кўчгани ҳақиқат. Унинг "Ҳайрат" номли ҳикояси қалб оғриқларининг, бахт соғинчларининг овози бўлди... Ҳаёт эса давом этаверар-кан. Опа чорвадорлар юртида яшагани учун ҳам энди умрини уларнинг дарду қувончи, орзую армонини ёзишга бағишлади.

Шоира умр йўлдоши марҳум Раҳмон аканинг ҳам "Шижоаткор ёшлигим", "Ҳандалак бўйликкинам" китобларини чоп эттирди. Опанинг саъйи - ҳаракатлари билан унинг номи ўзи туғилган Шомуродчорбоғ қишлоғидаги мактабга берилди.

Опанинг заҳматлари зое кетмади. Фарзандлари яхши инсонлар бўлиб вояга етишди. Ҳаммаси мактабни олтин медал билан тугатган.

Олманинг тагига олма тушади, деганларидек Шарбат опанинг қизи Садоқатхон (шифокор бўлса-да) ҳам ажойиб шеърлар ёзади. Унинг машқларини ўқиб, Опанинг қатъийлик ва нафислик акс этиб турган ёшлигини кўрамиз. Ўғли Ойбекжон ва Дурбекжон — ўқитувчи, Нурбекжон — тижоратчи. Шарбат опа фарзандлари ардоғида, ўзи бошқараётган туман босмахонаси, туман телевидениеси жамоасининг эъзозида яшаб, ижод этмоқда.

"Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Шарбат Мухторова ёзганидек:

***Балки жасоратнинг меваси — эгиз,***
***Барчаси Оллоҳнинг неъмати асли.***
***Кўкламин қор босган Аёлдир — исён,***
***Соғинчга сиғинар хазонрез фасли.***
***"Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин" —***
***Севган каломи шу, дил тилаги шу.***
***Қалблар туғаверсин жасоратларни,***
***Кузак боғларини тўлдирсин ёғду...***

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

**Октябр ойи ва ноябрнинг дастлабки кунлари мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеаларга бой бўлди. Чунончи, 27 октябрда Қарши шаҳрининг 2700 ҳамда 2 ноябр куни Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар нафақат юртимиз, балки жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида бўлди.**

# ШУКУҲЛИ КУНЛАР

Бугун Қаршига борган киши у ерда қисқа вақт ичида амалга оширилган оламшумул ўзгаришларни кўриб, ақли лол қолиши тайин. Зеро, нафақат қашқадарёликлар, балки бутун республикамиз аҳли кўҳна Насафнинг қутлуғ тўйига зўр кайфият, кўтаринкилик, ихлос билан тайёргарлик кўрдилар. Одина, Чақар, Чармгар каби масжидлари, Шермуҳаммад, Бекмир, Шариф Хўжа мадрасалари, Абдуллахон ҳаммоми, Қашқадарё кўприги сингари тарихий обидалар қайта тикланиб, обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Бу таъмирлаш ишларида Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент усталари ҳам фаол иштирок этишди.

Қолаверса, шаҳарда янги-дан-янги хиёбонлар, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар, 20 минг ўринли стадион барпо этилди. Маҳаллалар, кўчалар обод қилинди.

Юртбошимиз Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналарида нутқ сўзлар экан, унинг инсоният тарихида тутган ўрнига юксак баҳо бериб, жумладан шундай дедилар: **"Ўзининг узоқ ва бой ўтмиши давомида гоҳ Никшапа, гоҳо Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўҳна Қарши шаҳри тарих ва башарият учун аввало бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўпкўп улуғ сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз-авлиёларнинг ватани сифатида қадрли ва мукаррамдир".**

Бундан 1000 йил аввал ташкил этилиб, "Байтул-ҳикма" - "Донишмандлар уйи" номи билан машҳур бўлган Хоразм Маъмун академиясининг довруғи ҳам дунёга достон бўлгули. Ўз даврида бу ерда 300 дан ортиқ олимлар илму фаннинг тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, фиқҳ, мантиқ, астрономия, география, геодезия, математика, механика сингари турли йўналишларида тадқиқотлар олиб борганлар. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, аз-Замахшарий, ал-Журжоний, ал-Хоразмий, Абулҳасан Маъмун, ал-Вазир каби олиму уламолар уларнинг энг машҳурларидир.

Аждодларимизнинг жаҳон илму фани ва маданияти ривожига қўшган илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, уларга муносиб ворисларни тарбиялаш мақсадида президент Ислом Каримовнинг 1997 йил 1 ноябрдаги Фармони билан Хоразм Маъмун академияси қайта ташкил этилган эди. Бугунги кунда бу ерда фаннинг олтита устувор йўналишида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Академия ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда чет давлатларнинг ўнлаб йирик университетлари, илмий-тадқиқот марказлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳар иккала юбилей тантаналарининг нафақат Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида кенг нишонланишида фаол иштирок этган ЮНЕСКО ташкилотининг Бош директори Коичиро Мацууранинг: "Маъмун академиясидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди", - деган сўзлари академиянинг бугунги салоҳияти ва келажаги ҳам юксаклигидан далолат беради.

**Д. ИБРОҲИМОВ**

# ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мазмун ва моҳияти билан Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга ва уларнинг келажагига кўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрликдир. Зулфия номидаги Давлат мукофоти мана 7 йилдирки, юртимизнинг ноёб истеъдод эгалари бўлган қизларига бериб келинмоқда. Етти йил давомида мукофот соҳибаларининг сони 98 нафарга етди.

Зулфия мукофоти соҳибалари ижодни сарҳисоб қилиш, уларни тарғиб этиш, иқтидорли қизлар ўртасидаги дўстона ва ижодий муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида Республикамизнинг барча ҳудудларида "Истиқболимиз тимсоллари" мавзусида анжуманлар ўтказиб келмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан Республика анжумани ўтказилишига катта миқёсда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 98 нафар Зулфия мукофоти соҳибаларининг ижодий ишлари, мукофотга сазовор бўлганидан кейинги фаолияти борасида ҳисобот маълумотлари олиниб, уларнинг энг фаолларини аниқлаб интернет тармоғида веб-сайт яратилмоқда ва улар ижоди ҳақида маълумот берувчи китоб нашрга тайёрланмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси 7 йил давомида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари фаолияти ва ижодини сарҳисоб қилиш, уларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва кенг халқ оммасига тарғиб этиш мақсадида адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида ижод қилаётган мукофот соҳибалари ўртасида танлов эълон қилди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий Академиясида ўтказилаётган тадбир ҳам юқоридаги анжуманнинг бир қисми бўлиб, бунда санъат йўналишида мукофотга сазовор бўлган 11 нафар қизлар иштирок этдилар.

Тадбирда мукофот совриндорларининг каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, рассомчилик йўналишлари бўйича ўз ижодий ишларини кўргазмалари ташкил этилди.

Тадбирда шунингдек, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари, санъат арбоблари, маданият ва санъатимизнинг фидойилари иштирок этдилар.

**Феруза ОРИПОВА**



# ОИЛА БЕЗАГИ

Андижоннинг Султон Жўра номи билан аталувчи серфайз, гавжум маҳалласи бор. Маҳаллада асосан ўқимишли, зиёли, маданиятли, эл-юрт ишига камарбаста бўлиб келаётган инсонлар яшашади. Шу боис, оилалар тинч, осойишта.

Ана шундай оилалардан бири ҳақида эшитиб, тўғриси, менда ғойибона ҳавас уйғонди. Таърифлашларича, оила соҳиби узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, бекаси ҳам зиёли аёл экан. Мени қизиқтирган нарса асосан фарзанд тарбияси эди. Чунки оилада ўсиб-улғайган беш фарзанднинг барчаси ўқимишли бўлишиб, айни пайтда жамият ижтимоий ҳаётида фаол қатнашишмоқда экан.

Зуфаровлар хонадонини топиш қийин бўлмади. Қўнғироқлашгандик, қизлари Гулмирахон кутиб олди. Дарвозадан кира солиб, кўзим мўъжаз бир ҳовлига тушди. Оддийгина, ҳамма қатори ҳаёт бор эди унда.

Кейин Абдуҳалил ака ва Раънохон опалар билан танишдим. Дарҳол таомилга кўра олдимга дастурхон ёзишди. Эр-хотин шифокорлар билан чой устида суҳбатлашдим.

- Ишлаб ўрганган одамга жамоадан айрилиш бошида қийин бўлар экан. Пенсияга чиққач, анчагача ҳеч кўниколмай юрдим. Аммо барибир кексаликнинг ҳам гашти бўларкан. Ҳозир чамаси, меҳнатларим гаштини сураётгандайман, - дейди Раънохон опа.

Умрининг қарийб 40 йилдан кўпроқ вақтини халқ ишига, эл-юрт саломатлигини муҳофаза қилишга бахшида этган.

Дарҳақиқат, опани кўпчилик ҳурмат қилади. Ширин сўзи, енгил муолажаларидан хаста юрагига малҳам топган беморлар доимо ундан миннатдор яшашади.

**- Раънохон опа, сиз нафақат қўли енгил шифокор, балки оилада бека ва она ҳам эдингиз. Оналик эса аёлдан алоҳида масъулият талаб этади. Бу борада сиз қандай йўл тутгансиз?**

- Оналигимни ҳар қадамда ҳис қилиб яшайман. Шифокорлигим нечоғли зарур бўлган тақдирда ҳам оила мен учун биринчи навбатда турарди. Ахир, оилам қуруқ эмас, беш бола униб-ўсди. Улар шунчаки улғайиб қолишмаган. Эл қатори ўқитиш, қаторга қўшиш, халқ хизматига яратиб қўйиш ота-она сифатида Абдуҳалил ака иккимизни ҳамиша ҳушёрликка чақирарди.

Биламизки, ортимизда қоладиганлар шулар. Улардан яхши ном чиқсагина, биз ота-оналикни уддалаган бўламиз, дер эдик ўз-ўзимизга. Шукрки, умримиз безаги бўлган болаларимиз юзимизни ёруғ қилишди...

Дарҳақиқат, бу оилада мен ибрат олса, ҳавас қилса арзийдиган бир жиҳатни, безакни кўрдим. У ҳам бўлса ҳалоллик ва тўғри тарбия эди. Оддийгина шифокорлик касби билан ҳалол яшаб, тўғри ҳаёт кечирган Абдуҳалил ака ва Раънохон опалар бугун ҳазрати инсон даражасига етишган. Бунга албатта, оила бар қарорлигини таъминлаш, фарзандлар ўртасида ўзаро бирбирига ҳурмат, меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш, улар қалбида илм излашга иштиёқ уйғотиш натижасида эришишган.

Фарзандлари Гулмирахон - иқтисодчи олима. Дилфузахон - тиббиётчи олима, Нодирахон ва Севарахонлар иқтисод соҳасининг билимдон мутахассислари, Дилшодбек эса муҳандис-технолог бўлиб етишишган.

Муҳими ҳам шу. Қайсики, оилага тўғри баҳони фарзанд камолоти нуқтаи назаридангина бериш мумкин. Шу жиҳатдан мен уларга ҳавас қилиб, адашмаганга ўхшайман.

**Маҳфуза НОРБОЕВА**

Аёллар ҳақида ҳикоялар

# НАМУНАЛИ БОҒЧА МУДИРАСИ



Қандолат Собированинг ҳар бир гапи, ҳаракати унинг тарбиячи эканлигини англатиб туради. Мен ундан оиласи ҳақида сўрасам, у нуқул гапни боғчага, болаларга, жамоасига буриб шундай деди:

- Оилам ҳам, боғча ҳам мен учун бирдек. Чунки унда ҳам бунда ҳам менинг болаларим яшайди. - Мустақил шахс сифатида жамиятга қадам қўйганимдан то шу кунгача боғча билан биргаман. Ишни "нянка"ликдан бошлаганман. Кейин ошпаз бўлдим. Ўшанда Навоийда педагогика техникумида ўқирдим. Кейин тарбиячилик ишига ўтдим. Ўша йиллари институтда ҳам ўқиб олдим. Билимим ва тажрибамга суяниб ўзим ишлаётган гуруҳни боғчанинг намунаси қилишга интилардим, изланардим. Шу меҳнатим туфайли бўлса керак кейин боғча мудираси қилиб тайинландим. Боғчага шунчаки болани ота-она ишдалигида қараб туриладиган жой деб эмас, фарзандлар шаклланаётган, тарбияланаётган маскан, деб қараш керак. Шу маънода биз ҳар бир оила билан, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ишлаймиз. Аввало янги ўқишни битириб келган тарбиячиларни яхши тарбиячиларга ёндоштираман. Болаларнинг қизиқишига қараб алоҳида хоналар ташкил қилганмиз. Машғулотларни театрлаштирилган хоналарда олиб борамиз. Кейинги пайтда психолог билан бамаслаҳат иш олиб боришимиз янада қўл келмоқда. Меҳнатимиз зое кетаётгани йўқ. Яқинда ушбу "Алвон гул" номли 17-сонли боғчамиз шаҳар кўригида 1-ўринни олди.

Боғчамиз Металлургия комбинатига қарашли бўлгани учун моддий имкониятларимиз жуда яхши. Шу сабабдан озиқ-овқат, жиҳозлар замон талаби даражасида.

**- Оилангиз ҳақида ҳам билмоқчи эдик...**

- Хўжайиним темир йўл соҳасида ишлайдилар. Бир ўғил, суюкли келин, икки қиз ва жажжигина неварамиз бор. Фарзандларимиз олий маълумотли.

**- Қандолат опа, суҳбатимиз ниҳоясида оилаларга, газета мухлисларига нима маслаҳатларингиз бор?**

- Оила ҳақида гапиришдан олдин, тарбия сўзини тилга олмоқчиман. Бошда тўғри тарбия олган бола эртага мустаҳкам оила қура олади. Оилаларга дунёга келтирган болаларини тўғри тарбиялашларини маслаҳат қилган бўлардим.

"Оила ва жамият" газетаси эса тарбия иши учун муҳим аҳамиятга эга. Боғчамизда ҳар бир ходимни шу газетага обуна бўлишига ундайман. Ота-оналар, болалар билан ишлашда бу жуда қўл келади.

**- Дилдан суҳбат учун ташаккур.**

**Матлуба ШУКУРОВА,**
**Зарафшон шаҳри.**



# ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ...

Зарина Сайдалиева мактабда ўқиб юрган пайтларидан бошлаб туман прокуратурасида ишлаётган опаси Нилуфарга ҳавас қиларди. Айниқса, ИИБ бўлимида ишлаётган қизларга ўхшаб шу соҳада ишлагиси келарди. Бироқ, қизиққан касбига эришиш осон эмаслигини ҳам яхши биларди.

Мактабни битиргач Давлат Автомобил Назорати бўлимида олисдан қатнаб, маошсиз ишлади. Сўнг Бўстонлиқ туман ИИБ қошидаги паспорт бўлимига келиб, у ерда ҳам хужжатлаштириш ишларини маошсиз ўрганди.

Орадан анча вақт ўтиб Ички ишлар вазирлиги академиясидаги сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари очилганини эшитиб қувониб кетди.

Дарҳол хужжатларини тайёрлашга киришди. Ваҳоланки бу ҳам осон эмас экан. Айниқса тиббий кўрикдан ўтиш чоғида буни ҳис қилди. Ғазалкентдаги спорт клубига қатнашиб, соғлиғини янада мустаҳкамлади. Қабул комиссиясига хужжатларини топширгандан сўнг кечалари ухламасдан астойдил ўқиб, ўрганди.

Ниҳоят, имтиҳонларни муваффақиятли топшириб ИИВ Академиясидаги сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсига ўқишга кирди. Шу соҳага оид ишларда ишлаб тажриба орттиргани, бунинг устига ўзи интилиб, изланиб ўқишга киргани учун аъло баҳоларга ўқиди.

Яқинда ИИВ Академияси Сержантлар тайёрлаш Олий курсларининг битирувчиларига диплом топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.

Зарина ҳам бу тантанали маросимда битирувчилар қатори кўпдан кутилган дипломини қўлига олди. Шу куни у эли, оиласи, маҳалласи ва азиз ватанининг тинчлиги, хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун қасамёд қабул қилди. Интилувчан, изланувчан қиз орзуси ушалганидан мамнун.

**ГУЛБАШАКАР**

# МУНОСИБЛАР ТАНЛАНДИ




Яқинда Қўшкўпир туманида "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда умумтаълим мактаблари, лицей ва касб ҳунар коллежларининг энг истеъдодли ва қатор соҳаларда ютуқларга эришган, аҳлоқи ва одоби билан ҳурматга муносиб бўлган талаба қизлари қатнашдилар. Санъат йўналиши бўйича Жовоқова Нодирахонга, маданият йўналиши бўйича Кенжаева Дилоромхонга, адабиёт йўналиши бўйича Рўзметова Динорахонга вилоят босқичига йўлланма берилди. Шу қаторда бошқа қизлар ҳам турли совғалар билан тақдирландилар. Тақдирлаш жараёнида, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сарабиби опа Матёқубова уларга "Фахрий ёрлиқ" ва совғалар топшириб, қутлади.

Тадбир иштирокчиларда жуда катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар ўқувчиларимизни янада жўшиб ижод қилишга ҳамда кўпроқ изланишга ундайди.

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Қўшкўпир тумани,**
**29-мактаб ўқитувчиси.**

# ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН



Ҳар куни эрталаб ишга келаётганимизда ва ишдан уйга қайтарканмиз олис йўлимизни яқин қиладиган метро хизматидан фойдаланамиз.

Бу пайтда эса мовий рангли либослари ўзларига ярашган оператор аёллар аллақачон ўз хизмат жойларини эгаллаган бўладилар. Улар йўловчиларнинг махсус мосламалар ёнидан ўтишлари ва эскалатордан чиқиб тушишларини сергаклик билан кузатиб туришади.

Малика Мирзаева ҳам Тошкент метрополитенининг, Юнусобод йўналиши Ҳабиб Абдуллаев номидаги метро бекатида оператор бўлиб ишлайди. Чеҳрасидан табассум аримасдан мамнунлик билан юртдошларимизга хизмат қилади.

Куни кеча Тошкент Метрополитени ишга туширилганига 29 йил тўлди. Бу байрамни хушнудлик билан нишонлаган метро хизматчилари орасида эса Малика Мирзаева ҳам бор эди.

- Бу ерда ишлаётганимдан жуда хурсандман. Дунёнинг кўп мамлакатларидан Ўзбекистонга меҳмонлар келишади. Улар метродаги озодаликни кўриб ҳайрон қолишади. Келгусида юртдошларимизга янада наъмунали хизмат кўрсатиш учун ҳаракат қиламиз,-дейди Маликахон.

**ҲАМИДА**

# КИТОБДАН УЗОҚЛАШМАНГ

**Шахсий фикр**

Мақолани шоир О. Холтўраевнинг "Китоб" шеъридан икки мисра келтириб бошламоқчиман:

***Дунёда энг яхши дўст***
***билсанг китоб,***
***Ҳаётинг равшан этар***
***мисли офтоб.***
***Қайси фазилатин***
***таъриф этай,***
***Изласанг, минг бир саволга***
***бор жавоб.***
***Ўтмишу келажакнинг***
***кўзгуси - у,***
***Инсоннинг олижаноб***
***сезгиси - у.***
***Кимки ундан юз ўгирса,***
***дўстгинам,***
***Дунё лаззатидан***
***безгуси - у.***

Ҳа, китоб ҳақида, унинг маънавий бойлигимизни ошириши, илм ва тарбия бериши ҳақида кўп ва хўп гапирилган. Аммо, фикри ожизимча, китобга нисбатан ҳавас кўпчиликдан узоқлашмоқда.

Мақтаниш эмас-у, ҳозир ўз шахсий кутубхонамда минг нусхадан ортиқ китоб сақлайман. Пенсияга чиқишим билан собиқ "Ўзбекистон ширкат хўжалиги радио узелидан "Шахсий кутубхонамдан фойдаланинг!", дея мурожаат қилдим. Натижа яхши бўлди, бир йил давомида китоб олувчилар сони кўпайиб борди. Мана 2-3 йилдирки, лотин алифбосида ёзилгани эртак китобларни кўпайтираяпман. Невараларимга шундай китобларни олиб туғилган кунига совға қилаяпман. Бу билан кутубхона фонди ҳам кўпаяяпти. Невараларимнинг дугоналари, дўстлари келиб китоб олиб, ўқияптилар. Болаларга оид китоблар 100дан ошди, шундан 20 га яқини лотин алифбосида ёзилганлари.

Нега мен болаларга урғу бераяпман. Чунки, ёшликдан эртак ўқиган ёки эшитган бола ижодкор, қизиқувчан бўлади. Иззат-ҳурматли, қўрқмас, мард бўлиб ўсади, яхши-ёмоннинг фарқига борадиган бўлади, илм олишга ҳаваси ортади. Бола эртак эшитмай қўйди, нега, қани айтинг-чи, ким боласига, неварасига эртак айтаяпти? Мингтадан бир киши чиқармикан? Эртак эшитмаса, эртак ўқисин, болаларимизга туғилган кунларида, байрамларда эртак, ҳикоя, шеърий китоблар совға қилайлик.

Доноларнинг "Китоб билим беради, билим бахт келтиради", деган ўгити эсингизда бўлсин, азизлар.

**Марат АҲМЕДОВ,**
**нафақахўр, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.**

# РЕКЛАМАГА МУҲТОЖ ЭМАС

**Оила ва жамият 15 ёш менинг ҳаётимда**

"Оила ва жамият" газетасининг қалбимга кириб келишига дадажоним сабабчи бўлганлар. 1992 йиллари эди, адашмасам. Мен Андижон педагогика билим юртининг 4-курс талабаси эдим. Дадам ҳар доим "Оила ва жамият"ни олиб келиб, алоҳида бир уйга кириб ўқир эдилар. Овқатга чақирсак ҳам, "Шу ерга олиб келаверинглар, газета ўқиб дам оламан", дердилар. Мен қизиқиб, бир гал дадам ишга кетгач, шу газетани бир ўқиб кўрай-чи, деб изладим. Ҳеч қаердан топа олмагач, бувимдан сўрадим. Бувим: "Дадангни билмайсанми? Ҳар бир чиққан сонини тахлаб, манови ерга тугунга тугиб қўяди. Сал силжиса билади, рақамига қараб олгин", - деди. Мен тугунни очиб, сонларни бир бошдан ўқий бошладим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, эрталаб соат 9 дан тушгача 4-5 тасини бошдан охир ўқиб чиқибман. Шу-шу ушбу газетага ишқим тушганини дадам билиб қолиб, менга уни берадиган бўлди. Ўшандан буён газета билан ошноман. Кейинчалик ўқитувчилик қила бошлагач, ўқувчиларим билан биргалашиб унга обуна бўлдик. Мен дадамнинг газетани бу қадар авайлаб-асраб қўйганини кўриб ҳайрон қоламан. 15 йилдан бери тугунларга тугиб, сақлаб келади ва табобатга оид ўгитларидан фойдаланади. Маҳалладагиларга ҳам маслаҳатлар беради. Олдинги тугунлардаги газеталар сап-сариқ тус олган.

Бир куни мени чақириб: "Мана буни келинларга ўқиб бер", деб бир мақолани кўрсатдилар. Қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар, одоб-ахлоққа оид ҳар хил мақолаларни ўқиб бердим. Охирида дадам: "Мана, шу газетани ўқисангизлар, сизларга сабоқни ўзи беради", деб ўрнидан туриб кетди. Ҳамма ўз ҳолича хулоса чиқарди. Кейин мен ҳам келин бўлдим. Газета ҳар дам мен учун ҳаёт мактабини ўтади.

Мен "Оила ва жамият" газетасидан тарбиявий соат дарсларимда фойдаланаман. Қизларга ҳар бир сонини ўқиб бераман ва таҳлил қиламан. Газетада ўқувчиларимнинг чизган расмлари босилиб чиқди. бундан жуда миннатдорман, катта раҳмат. Ўқувчиларимнинг фаоллиги ошганлигини "Оила ва жамият" туфайли деб биламан.

"Оила ва жамият" бошқа газеталарга ўхшаб реклама қилинмаса ҳам харидоргир, савдоси чаққон. Бу газета ҳеч қачон завол кўрмасин, гуркираб ўсаверсин, минг-минглаб нусхада босилиб чиқаверсин, юртдошларимиз ўқиб ҳаётий сабоқ олаверсин.

**Умидахон ТУРДИАЛИЕВА,**
**Андижон вилояти.**

***Андижон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан бирида тасодифан қизғин мунозара устидан чиқиб қолдим. Маҳалланинг фаол аёллари ҳаётимизнинг бугунги кундаги муаммолари ҳақида суҳбатлашиб, фикр алмашишаётган экан. Уларнинг суҳбатларига қулоқ солиб, айрим мулоҳазаларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Чунки, бу ҳангомасифат муаммолар кўпчиликка даҳлдорга ўхшаб туюлди.***

# АТИРИДАН БОШ ОҒРИДИ

Шу маҳаллада яшайдиган аёллардан бири тўнғич ўғлини уйлантирмоқчи экан. Унга шу маҳалланинг ўзидан аллақаерда котиба бўлиб ишлайдиган қизни топишибди. Йигитнинг янгаси уни учраштириб, таништиришга олиб чиқибди. Айтишларича, қизнинг иш жойи тайин ва акалари унинг сепларини ҳам бисёр қилиб қўйишган экан.



Аксига олиб, иккиси учрашадиган паллада ёмғир қуйиб юборибди. Йигитнинг янгаси дарҳол мактабга қоровул бўлиб ишлайдиган қариндошининг олдига бориб, шундай дебди.

- Битта савоб ишлаб олмайсизми, тоға?

- Сиз айтасиз-у, йўқ дермидик, қариндош. Савоб ҳаммага керак.

- Қайнимни битта қиз билан унаштирмоқчи эдик. Ёмғирда ивиб кетишмасин. Қоровулхонада танишиб, дийдорлашиб олишсин.

- Бажонидил! Ўзи мактаб ҳовлисини айланиб чиқмоқчи бўлиб тургандим.

Шундай қилиб, қоровулхонада икки ёш дийдорлашишди. Янгалар эса уларни нарироқдаги пештоқи остида кутиб туришди. Орадан беш дақиқа ўтиб-ўтмай, қиз қоровулхонадан чиқиб, маҳалла томонга юриб кетди. Улар маҳалланинг нариги четида туришаркан, аммо йигитдан дарак бўлмайди. Қоровул тоға хонага қайтиб кирса, йигит пешонасини чангаллаб, нафаси қайтиб ўтирганмиш.

- Ҳа, нима бўлди, жиян? - сўрабди қоровул.

- Атирининг ҳидидан бошим айланиб кетди, - жавоб қилибди у.

- Ана халос! Беш дақиқага зўрға чидабсиз. Унга уйлансангиз, бир умрга қандай чидайсиз?

- Шунисига ҳайронман-да. Аналгин борми, тоға?

Йигит-ку, ташқарига чиқиб, соф ҳавода сал ўзига келибди. Янгаси қўрқиб кетиб, ундан сўрабди:

- Котиба қизга ошиқ бўлиб, ҳушингиздан кетиб қолай, дебсизку, иним?

Йигитнинг ўрнига қоровул жавоб қилибди.

- Жуда қаттиқ ошиқ бўлибди. Бир пиёла сув бериб, зўрға ҳушига келтирдим. Яхшиям қоровулхонага аналгин олиб келиб қўйган эканман.

Йигит чуқур нафас олиб, янгасига қараб дебди:

- Кетдик!

Қоровулхонадан икки кунгача атирнинг ҳиди кўтарилмабди. Йигит бечора уйга қайтгач, бутун баданига тарвақ тошиб кетибди. Чунки унинг атир ҳидига аллергияси бор экан. Ўткир ҳидли атир қизнинг дид-фаросати қандай эканлигидан огоҳ қилибди. Лекин йигит қизга ёқмаганмиш. Шунақаси ҳам бўларканда. Шу қизнинг атирини ҳидига чидайдиган йигитлар ҳам бормикан?..

**Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари**

# АСАЛ ВА ЗАҲАР

Мана шу маҳаллалик каттазангроқ бир аёл бор экан. Унинг эри олдинроқ катта лавозимларда ишлаган ва рўзғорни бутлаб ташлаган. Ҳозир эса юрак оғриғи касалига чалиниб, ҳовлидан ташқарига чиқолмайдиган бўлиб қолибди. Унинг аёли эса ҳалиям отдан ҳам, узангидан ҳам тушмас эмиш.

Бу хонадонга бир девор қўшни бўлган бир аёл камтарликда, дилкашликда бутун маҳаллага ибрат экан. У аёл боши билан саккиз қизни узатибди. Қизларининг ҳаммаси борган жойида бахт топиб яшаяпти. Бу аёлга ҳавас қилганлар, унинг яна биронта қизи бормикан, деб дарвозасидан мўралаб кетишаркан.

Каттазанг аёлнинг биттагина неварасига совчи келавермабди. Бекорчиликдан ҳар куни келинойиси билан жақи-жақи қилавериб, уйдагиларнинг жонига тегибди. Шу қизнинг каттазанг бувиси ўйлай-ўйлай, охири маҳалла отинчасининг ёнига маслаҳат сўраб борибди.

- Неварамга куёв топинглар! - илтимос қилибди у. - Куёв топганга бошқалар суюнчига битта кўйлак берса, мен тўртта кўйлак бераман.

- Хўп ая! - уни тинчлантирибди маҳалла отинчаси. - Бу гапни қўшнингизга айта қолмабсиз. Саккизта қизи, саккизта рўзғорни гулдай қилиб ўтирибди. Биргалашиб бориб, шу аёлдан маслаҳат сўрай қолайлик.

Бу таклифга каттазанг аёлнинг ори келибди. Ўттиз йилдан буён битта темир дарвозасини янгилаб қўйишга қудрати етмаган қўшнисидан маслаҳат сўрайдими? Ҳар қалай у отинчанинг қистови билан керилиб, сузилиб қўшнисининг уйига кириб боришибди. Отинча унга шундай савол берибди:

- Қизларингизни узатаётиб, уларга нима дегансиз?

- Нима ҳам дердим, айланай. Тилингни билиб ишлат. Билиб ишлатсанг, асал беради, билиб ишлатмасанг, заҳар беради, - деганман.

- Шу битта гапнинг ўзи билан борган жойида бахт топиб кетишмагандир? Яна нима дегансиз? - сўрабди отинча.

- Тилингни кам ишлат. Оёқ-қўлингни чаққон қил. Меҳнатдан ҳурмат топасан, бекорчиликдан ғурбат топасан. Бардошингни тоғдай сақла, обрў-эътиборингни боғдай сақла.

- Қўшнингизни сизга атаган тўртта кўйлаклари бор экан. Биргалашиб аямизнинг неварасини яхши жойга узатсак...

- Маъқул айланай. Кўйлаклар шарт эмас. Тангри ҳамманинг бахтини берсин.

Шундай қилиб, иккиси каттазанг аёлнинг неварасига насиҳат қилиб қўйгани унинг хонасига кириб боришибди. Тантиқ қиз, ҳатто уларни "Келинглар!" дейишга ярамабди. Отинча энди гап бошлаганда, қизнинг симсиз телефони жиринглаб, дарҳол уни қулоғига тутибди.

Унинг телефонда гаплашиб бўлишини ярим соат кутишибди. Ана шундан сўнг каттазанг аёлнинг невараси насиҳатга муҳтож эмас экан, дейишиб, ўринларидан туришибди. Ташқарига чиқишгач, ўзларича бу воқеага шундай хулоса ясашибди:

- Каттазанг одам бир умр туманнинг ичида юраркан. Дарвозасининг ёнига келган бахтни ҳам кўрмай қоларкан. Наилож!!!

**Комилжон НИШОНОВ**

Нафосат бошидан ўтганларни гапириб берар экан, анча илгари таҳририятга келган бир хат ёдимга тушди ва ундан: "Сиз олдин ХАТ ҳам ёзмаганмидингиз?" - деб сўрадим. Шунда Нафосат:

- Эсингизда экан-а! Бир вақтлар тақдири хўжалик раисининг қўлида ўйин бўлган ўша қиз менман, -деди.

**- Келинг, яхшиси ҳаммасини ўз оғзингиздан эшитайлик.**

# БАХТЛИ ОИЛА ҚУРСАМ...

- Мен мактабда ўқиб юрганимда жуда олов қиз эдим. Олимпиадаларда, ташкилий ишларда доим биринчи эдим. 9-синфни тугатгач, юридик коллежга кирдим. Чунки шу соҳани жуда ёқтирардим. Ўқишни қизил диплом билан тугатиб, қишлоғимга қайтиб келдим. Ички ишлар идорасига қабул қилиниб, эгнимга форма кийдим. Қувончим чексиз эди. Бизнинг томонларда форма кийган қиз ёки аёлнинг ўзи йўқ. Шунинг учун йўлда кетаётган одам мени кўрса, албатта тўхтаб қарарди. "Фалончининг қизи мелиса бўпти, ўзи у бошқача эди-да", деган гапларни айтмайсизми? Қариндош-уруғ, таниш-билиш, қўйингки, қишлоқда меҳмонга чақирмаган хонадоннинг ўзи қолмади. Эҳ, у пайтда ҳаммаси бошқача эди. Хуллас, иш юзасидан раҳбар ходимлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб турардим. Айниқса хўжалик раисининг менга эътибори бошқача эди. Буни мен ёш кадрларга меҳрибон раҳбар сифатида қабул қилардим.

**- Раиснинг ёши нечада эди?**

- 60 ларни уриб қўйган.

**- Кейин нима бўлди?**

- Шу раис бир куни мени қабулига чақириб: "Сени бир яхши жойдан сўрашаяпти. Обрўли одамлар бўлгани учун ўртага мени солишди. Йигит ҳарбий, сенинг касбингни ҳам тушунади. Хоҳласанг, узоқдан уни бир кўр. Ёқса, совчи бўлиб ўйларингга бораман", - деди.

Бу гапдан бироз хижолат бўлсам-да, йигитнинг ҳарбийлигини эшитиб, уни кўришга қизиқдим. Келишганимиздек бир куни раис қўнғироқ қилиб, фалон жойда шу йигит турганини, уни орқаваротдан кўришимни айтди. Ўша айтилган жойга борсам, ҳақиқатан баланд бўйли бир ҳарбий кийимли йигит ёнидаги эркак билан гаплашиб турибди. Мен ўзимни ҳеч нарсадан бехабардек тутиб, шу ердаги магазинга кириб кетдим. Ортимдан ҳарбий йигитнинг қараб қолганини ҳам сездим. Хуллас, у йигит менга негадир ёқиб қолди. Биласизми, мен ўша йигитни ҳамон излайман, кутаман, тушларимда кўраман. Балки у мен орзу қилган йигитнинг сиймоси сифатида кўз олдимда қолиб кетгандир.




**- Нима, у йигитга турмушга чиқолмадингизми?**

- Нима учун чиқолмаганимни охирида тушунасиз. Шундай қилиб, у йигит маъқул келгач, раиснинг совчи бўлиб боришига рози бўлдим. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Тўй куни белгиланди. Ҳарбий йигитга "тегаётганим"дан ич-ичимдан хурсанд эдим. Ўша кунни эсласам, ҳамон юрагим титрайди. Тўй куни ҳам етиб келди. Болаларнинг: "Куёв келди-куёв келди", деган овози янгради. Негадир менинг юрагимни қоп-қоронғу нарса қоплагандек, ҳаво етишмаётгандек бўлди. Кўнглимдаги ғашликни дугоналарим: "Эрга тегаётган ҳар бир қиз шундай ҳолатга тушади", - дея изоҳлашди. Куёв чимилдиққа кириб келди. Нимагадир ён-атрофдан аёлларнинг: "Вой, катта одам-ку", "Намунча ҳунук", "Нега Нафосат келиб-келиб шунга тегаяпти?", деган гаплари қулоғимга эшитилди. Кейин чимилдиқда қилинадиган иримлар бошланди. Келин-куёвни ойнага қаратадиган бўлишди. Қарадиму ойнадан бутунлай бошқа одамни кўрдим. Ҳайрон бўлиб, у одамга қарадим. Ёнимдаги мен кўрган йигит эмас, сочлари оқарган киши... Ўша заҳоти ҳаммасини тушундим, раис мени алдабди.

**- Тўйни буздингизми?**

- Йўқ. Онам: "Бўлар иш бўлди, тўйни бузсак, сени айбдор қилишади. Нима бўлса ҳам тўй ўтсин", деди. Кейин билсам, акам: "Раисни ўлдираман", деб ҳаракат қилган, отам: "Ўлдирсанг, қамалиб кетасан", деб ушлаб қолган. Лекин отам раиснинг олдига бориб: "Ўртага сен тушганинг учун қизимни бергандим, аммо мен аблаҳлигингни билмаган эканман", дебди.

Хуллас, ўша келин бўлган жойимда 50 кун яшадим. Аммо кўника олмадим.

**- Нафосатхон, сиз тўйдан олдин ўша ҳарбий йигит билан учрашганмидингиз?..**

- Йўқ, аслида у ҳарбий умуман менга алоқаси йўқ йигит, шунчаки раиснинг ҳийласи экан. Бизда йигит билан учрашмай туриб, ҳам эрга тегиб кетишаверади. Шу сабаб, буни табиий ҳол, деб ўйлагандим. Яна юқорида айтганимдек, кўрсатилган йигит бир қарашдаёқ менга ёқиб қолганди. Раис аслида мени номига бу одамга эрга бериб, кейин иккинчи хотин сифатида менга уйланмоқчи ният қилган экан. Лекин мен уни ҳали бу иши учун пушаймон қиламан.

**- Нима судга бермоқчимисиз? Ёки яна бошқа йўли ҳам борми?**

- Яқинда у мендан кечирим сўраб келди, контракт пулингни тўлай, деб ёлворди.

**- Тушунмадим, қанақа контракт?**

- Опа, менинг бошимга шу савдолар тушгандан кейин ажрашиб кетдим, формамдан ҳам кечдим. Ота-онам, акаларимнинг маслаҳати билан Тошкентга ўқишга келдим. Ҳозир олийгоҳнинг 4-курс талабасиман. Контрактга бўлса ҳам ўз билимим билан кирдим. Уйдагилар қўллаб туради, дарсдан кейин ишлаб пул топаман. Хуллас, номардга муҳтож бўлмай яшаб юрибман.

Мен қишлоқдан чиқиб кетаётганимда раиснинг олдига бориб: "Сен мени бадном қилмоқчи эдинг. Лекин мен сенга эгилмайман. Пулим кўпайиб, машина миниб эмас, вақти келиб, ўз тенгимни топиб, боламни етаклаб, соғ-омон олдингдан ўтаман", - дедим.

Мана, насиб этса, олий маълумотли ҳам бўламан. Қишлоқдошларим менинг пок ва ҳаракатчанлигимни ҳам яхши билади. Охирини ўйламай иш тутган раис контрактимни тўлашга рухсат сўраб келганида бир кўнглим: "Шу туфайли қанча азоб тортдим, ҳарқалай кечирим сўраб келибди, қайтанга тўлатсам, яхшимасми", деб ўйладим. Лекин у гап орасида бирор жойда ўтиришни таклиф қилгач, яна фикримдан қайтдим. Демак, бу одам тузалмабди. Ҳамон нияти бузуқ, деб ўйладим-да, контракт пулини тўлашига рухсат бермадим.

Мана, бошимдан ўтган қора кунларни ҳам айтиб бердим.

**- Ҳаммаси ортда қолибди. Ўзингизни иродангиз билан енгиб чиқибсиз. Энди режалар қандай?**

- Ёшим ҳам 28 га кирди. Ўқишим шу йил тугайди. Бу ёқда ота-онам ҳам менинг тақдиримдан хавотирда. Тошкентда акамнинг уйида яшайман. Мақсадим, шу ерда мен каби бахтини излаб юрган инсон билан турмуш қуриш. Майли эди 1 та фарзанди бўлса ҳам. Бахтли бир оилам бўлишини истайман.

**- Нафосат синглим, ҳаётда шунча тўсиқларга дуч келибсиз, енгиб ўтибсиз. Мана, яхши бир касбни ҳам эгаллаяпсиз. Насиб этса, оила ҳам қуриб, бахтли бўлиб кетасиз.**

Матлуба ШУКУРОВА

# АЁЛ ПАЗАНДА БЎЛСА...

Қулоққа чалинган гап

Оқшом ишдан қайтаётиб йўлакда иккинчи қаватдаги қўшнимиз Моҳинисо, эри Азлархон ака ва биринчи қаватда яшайдиган Лобархон ниманидир бақириб гаплашаётганлари устидан чиқиб қолдим.

- Буёққа келинг, опа, балки сиз менинг гапимга қўшиларсиз,- деди Азлархон ака мени кўриши билан. Ботинмайгина уларнинг можаросига қўшилишга мажбур бўлдим.

- Манави, - деди у қўлини бигиз қилиб хотинини кўрсатаркан,-Лобархондан мени рашк қилиб, у билан жанжаллашаётган экан. Ўша жанжалнинг устидан чиқиб қолдим. Бу бемаъни қилиғидан жаҳлим чиқиб уришсам, у Лобархонга, "Сен мегажин, эримни йўлдан ургансан! Шунинг учун эрим ўтишини пойлаб эрталаб ва кечқурун эшигингни ланг очиб қўясан", - дея туҳмат қилаяпти.

- Хо, туҳмат эмишми? Ўзим сизнинг орқангиздан чиқиб қараганимда унинг эшиги олдида тўхтаб, кўзларингизни юмиб нафас олаётганингизни кўрдим-ку! Шу ёлғонми? - бобиллади Моҳинисо.

- Рост! Нега унинг эшиги ёнида тўхтаб, кўзларимни юмиб нафас олганимни айтмайми? Чунки ҳар куни эрталаб сомсами пирашками бир нарсанинг ёқимли ҳиди димоғимга урилиб, иштаҳам очилиб кетади. Кечқурун ҳам мазали қандайдир таомнинг ҳиди келаётган бўлади. Инсоф билан айт-чи? Ўзинг эрталаб менга сомса пишириб бериш у ёқда турсин, тайёр нарсаларни дастурхонга қўйиб лоақал чой дамлаб берганмисан? Болалар ҳам сенга ўхшаб кеч туриб мактабга оч-наҳор кетади-ку! Ё гапим ёлғонми?

Азлархон бирпас тин олиб яна менга юзланди.

- Очиғини айтсам, кўчада унча овқат егим келмайди. Ишдан чарчаб, қорним очиб келаман. Йўлакка кирганимдан Лобархоннинг эшигидан мазали овқатнинг ҳиди таралиб, иштаҳани очиб юборади. Мен келганимда ҳали хотиним кечки овқатга унамаган бўлади. Бунинг устига уйга биронта дўстимни дабдурустдан олиб келолмайман. Ҳар доим йиғиштирилмасдан тўзиб ётади, тўғрими? Ахир ҳайдовчим гўшт-ёғими, картошками, унми, ҳаммасини бозордан олиб келиб берса... Хотинман дейсан, айт-чи бирон марта келганимда овқатим тайёр бўлганмиди? - Азлархон ака азбаройи бақириб гапирганидан терлаб-пишиб кетган, ҳансиради.

- Нима, овқат қилаяпман, деб эшикни очиб қўйиш шартми? Нега эшикни очиб қўяди? - минғирлади Моҳинисо бизнинг олдимизда ўсал бўлганини тан олмагандек.



Шундан сўнг эр шахт билан уйига кириб кетди. Моҳинисонинг энсаси қотиб бизларга бир қараб қўйди-да, у ҳам эрининг ортидан йўналди. Мен эса пиқиллаб йиғлаётган Лобархонга юзландим.

- Ростдан ҳам кўпинча эшигингиз очиқ туради. Деразани очиб қўя қолсангиз бўлмайдими? - дедим.

- Э, опа! Нимасини айтай? Ҳидлардан қайнонамнинг кўнгли айнийди. Шундан тезроқ чиқиб кетсин деб эшикни ҳам, деразани ҳам очиб елвизак қилиб қўярдим. Эрим вафот этганидан сўнг рўзғор ўзимга қолиб кетган, иккита болам ҳали ёш. Мактабдан келганда қозонга пишириб қўйган овқатимни иситиб ея олишмайди. Қайнонамнинг иситишга мадори йўқ. Болаларим бир амаллаб чойни қайната олишади. Бунинг устига ҳар куни шилдир шўрва қилиб берсам уларнинг ичи узилиб кетади-ку. Шунинг учун йўқни йўндиришга ҳаракат қиламан. Кўпинча тонг саҳарда туриб картошка билан ич ёғдан сомса ёки гумма пишириб дастурхонга ўраб кетаман. Мактабдан келишгач олиб ейишади, деймана-да. Маошимни учмауч қилиб етказиш учун эртанги кунга ҳам етадиган қилиб овқат пишираман. Буни Моҳинисо опа тушунмайди. Уларникида ҳамма нарса бор, ўзи уйда бўлса... Мен нима аҳволдаману, у бўлса ғийбатдан бўшамайди.

Лобархоннинг кўнглини кўтариб уйга кирдим. Бўлиб ўтган воқеа ҳақида ўйларканман бувимнинг гапи эсимга тушди:

- Эркак киши кўчадан келганда уйда овқат тайёр бўлиши керак. Аёлнинг қўли ширин, таомларга уста, уй-жойи ҳамиша ораста бўлиши шарт. Чўтир, тили захар бўлса ҳам, агар дастурхонга мазаси оғизда қоладиган таомни пишириб қўйса бас. Ҳар қандай тошбағир эрнинг ҳам кўнгли яйрайди. Кўзига аёли дунёдаги энг гўзал аёл бўлиб кўриниши ҳам рост. Аёлнинг ҳар қандай камчилиги бетакрор пазандалигининг ортида қолиб кетади.

Бўлиб ўтган воқеани эслаганман бувимнинг ҳақлигига амин бўлдим.

ГУЛБАШАКАР

# ОНАДЕК МЕҲРИБОН БЎЛГАЧ...

Мардон ўғлим! Она меҳрини кўрмасангиз-да, ёшликдан унинг ўрнини босган опангиз меҳрини ҳис қилиб улғайибсиз. Опангиз на болаликда, на улғайгач, ўзини ўйламаган, фақат сизнинг бахтли бўлиб ўсишингизни, илмли, ақлли инсон бўлишингизни истаб, бутун ҳаётини сизга бағишлабди. Энди опангиз кучдан кетиб, касалга йўлиқиб қолганида уни қариялар уйига топширишини виждонингиз қабул қилармикан? Опангиз заводда оғир ишларда ишлаб, сизнинг илмли бўлишингиз учун ҳаракат қилиб касалга йўлиққандир?

Расул Ҳамзатовнинг: "Дунёда аёллар кўп, лекин менинг онам битта!" деган гапи бор. Сиз опангизни даволатинг! Уни оёққа турғизишга бутун кучингизни сарфланг!

Тўғри, турмуш ўртоғингиз ҳам сизга интизор. Аммо опангиз ҳаётда сиз учун қадрлироқ. Сизларнинг ҳолингизни етимлик азобини кўрган, етимлик нималигини билган инсонгина тушуна олади. Сизга жуда оғир, лекин оғирликка бардош беришингиз керак.

Дугоналаримдан бири етимликда ўсган, етимлик нималигини бошидан кечирганлардан эди. Салимахоннинг отаси ўлиб, онаси 3 та бола билан қолади. Болалар ёш: каттаси 6 ёшда, укаси 4 ёшда, кичиги эса 2 ёшда эди. Зубайда бошига оғир кулфат тушгач болаларини синглиси Зайнабга қолдириб, ўзи нон заводига ишга киради. Шу ерда Шарафиддин деган уйланмаган йигит билан танишиб, у билан яшай бошлайди. Йигит Зубайдага: "Сен болаларингни етимхонага топшир, уйингни сотиб, меникига кел!" дея таклиф қилади. Лекин Зубайда болаларини етимхонага топширмайди. Холасининг қўлида қолган болалар кўп азоб кўришади. Шарафиддин Зубайда уйини сотмаганлиги учун ташлаб кетади. Зубайда уйига қайтиб келади, болалари билан яшаб турганда, Тошкентдан бир ўртоғини қидириб, бир йигит келиб қолади. Ўртоғининг уйини тополмай Зубайдадан бир неча кун ижарада яшашга илтимос қилади. У рози бўлиб, йигит бу хонадонда яшай бошлайди.

Йигит Зубайданинг гўзаллигини, чаққонлигини кўриб, унга уйланишга розилик сўрайди.

Кейинчалик улар Тошкентга кўчиб келишади. "Ўгай отамиз яхши одам экан, бизларни тарбиялади", деб Салима ўз ҳаётини гапириб берарди. Яхши яшаб туришганда уруш бошланиб ўгай ота фронтга кетиб ҳалок бўлади.

Онаси қариб қолгач, Салима уни ўзи билан бирга олиб, эрининг уйда боқади.

Ёшликда болаларини ўз меҳридан маҳрум қилмаган онажонини Салима умрининг охиригача эъзозлайди. Ўлганида уни иззати билан кўмади.

Бу воқеани ёзишимдан мақсад ўнта онани ўрнини босган опангизнинг қадрини билинг!

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи**
**Тошкент шаҳри.**

***"КАСАЛ ОПАМНИ НИМА ҚИЛАЙ?" - 41-сон***

**ЭСЛАТМА: Опам билан «Меҳрибонлик уйи» да яшардик. У мактабни тугатиб заводга ишга кирди. Кейин уй олиб мени у ердан олиб келди. Ўқитди, инстиутга кирдим. Ўқишни тугатиб ишга кирдим, уйландим. Лекин хотиним опамни сира чиқиштирмади. Хотиним билан ажрашай десам, у ҳомиладор. Бошим қотган, нима қилсам экан?**

**Муаллиф. ГУЛБАШАКАР**




Мардонбой! Опангиз билан "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланиб вояга етибсизлар.

Опангиз ақлли экан. Завод ётоқхонасидан хона олгач, сизни "Меҳрибонлик уйи" дан олиб келибди. Билим олишингизга шароит яратибди. Ўзи емай сизга едирган, ўзи киймай сизга кийдирган. Ўзи ўқимабди сизни институтда ўқитибди. Сиз учун алоҳида икки хонали уй олиб беришлари, кўнгил қўйганингиз, бойвачча хонадон қизига совчи бўлиб боришлари-чи? Бундай опанинг баҳоси борми?

Шундай ақлли опангиз бўла туриб, қаллиқ танлашда адашибсиз. Опангиз эса сизнинг кўнглингизга қарабди. Агар қиз яхши тарбия кўрган бўлса, севган йигитининг опаси ҳам қадр ва ҳурматга, эътиборга лойиқ бўлиши керак. Улар опангизга бўлган беписанд муносабатларини тўй кунидаёқ билдириб қўйишибди. Қиз, у томондагиларни ўзингиз эмас, уйингиз қизиқтирган бўлса не ажаб. Бундайларда инсонийлик туйғуси бўлмайди. Улар молпараст, дунёпараст, фақат ўзини севгувчи, ўз қобиғига ўралган зотлардир.

Келин бўлмиш опангизни ҳам, сизни ҳам "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланган, деб ерга уриши юқоридаги фикрларни айтишга асос бўлади. Сиз эса опамни десам хотиним, хотинимни, десам опам, деб ўзингизни аросатда кўрмоқдасиз. Сизнинг тинчингизни ўйлаб, опангиз келмай ҳам қўйибди. Сиз эса опам тинч яшаётгандир, деб жигарингиздан хабар ҳам олмай қўйгансиз. Телефонлашиб ҳол сўраш эмас, кунда бир бориб хабар олмайсизми? Дард борки, давоси бор. Умрини, ёшлигини, бутун қувватини, орзу-умидларини сиз учун бағишлаган опа - она оғир касалликка чалинса-ю, шифокорлар уни ёлғиз ташлаб қўйиб бўлмаслигини айтиб турганда, сиз хотиним туғруқхонага кетиши керак, деб унинг ҳам ёрдамингизга муҳтожлигини айтиб турсангиз.

Мардонбек, Оллоҳ қўллаган бўлса, хотинингиз боласини эсон-омон қўлига олади. Меҳрибон ота-онаси бор. Улар ҳузурига хотинингизни "Илтимос билан" жўнатибсиз.

Ор-номуси бор эркак шаънини ҳимоя қилади. Сиз эса улардан ҳурмат кутиб ўтирибсиз. Ҳурмат бўлмайди. Хомтаъма бўлманг. Улар учун ҳурмат эътиқод дегани пул, бойлик. Кўрасиз, улар болангиз туғилгач, ажрашиш ҳақида даво қиладилар. Икки хонали уйингизни, бола учун алиментни талаб этадилар.

Қушнинг ҳам уяси бузилмасин-у, аммо танлаганингиз сизнинг тенгингиз эмас. Опангизни "Қариялар уйи"га топшириш ҳақида бош қотираяпсиз. Яна макрга учибсиз. Улар сиз опангизни "Қариялар уйи"га топширганингиздан сўнг бир хонали уйни пул қилишни таклиф этишлари табиий ҳол.

Уй ҳам, мол-дунё ҳам, хотин ҳам топилади. Аммо қондошингиз, жигарингиз, опангиз—онангиз топилмайди. Олдингизда турган асосий масала опангизнинг дардига даво топиш. Опангизни соғайтириш, унинг ҳам ҳаётда бахтли бўлиши йўлини қидиринг. У сизнинг бахтингизни деб ҳамма оғирликни ўз зиммасига олди-ку. Сиз эса аёлингиз билан бахтли бўлолмайсиз. Еганингиз заҳар, эшитганингиз лаънат бўлиб ўтиб кетасиз. Капалак умридек ҳаётингизни асранг. Унинг ҳар лаҳзасини бахтли дамларга айлантириш чорасини кўринг.

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ**

---

Эҳ, Мардон, Мардон! Исмингга мос равишда мард йигит бўлишинг керак. Бир кафтингда жигарингни, иккинчи кафтингда хотинингни тут. Ўша тушунмаган хотинингга яхшилаб тушунтириб, бировга яхшилик қила билсагина Худо унга мурувват кўрсатишини, акс холда жони қийноқда қолишини тушунтир. Инсон дунёга нимага келади? Яқинларига меҳр бериш, оқибат кўрсатиш учун. Опанг билан болалар уйида катта бўлиб, кейин эса опанг ўзи учун эмас, сен учун яшаб, сени ўқитиб, уйлик-жойлик, оилалик қилса-ю, боши ёстиққа етганида ёлғиз қолса?!

Наҳотки хотининг, унинг онаси бўлмиш қайнонанг яратгандан қўрқишмайди? Етимнинг дилини оғритиш ўзларига қанчалар қимматга тушиши мумкинлигини англаб етишмайди. Йигит киши қатъиятли, мард бўлиши керак. Хотининг сенинг, яъни эрнинг айтганини қилиши керак. Сен ундан ёмонлик эмас, яхшилик, одамгарчилик талаб қилаяпсан-ку! Хотининг бирон газета-журнал ўқийдими? У дунёга келиб бировга яхшилик қилганми? Жуда бўлмаса ўзининг умр йўлдошига, унинг жигаргўшасига яхшилик қилсин. Хотининг ва унинг онасига битта насиҳатим: Ҳай, аёллар, вақт ғанимат, беморнинг, айниқса етимнинг дуоси вожиб бўлади, дейди машойихлар. Дуо олиб қолинг. Кейин Яратганнинг сизларга нисбатан ғазаби қўзғаб қолса, бошингизни чангаллаб, ғафлатда қолиб ўтирманг. Бахтли яшаш учун яқинларингизга бахт бера билинг. Йиқилганни суянг. Ана ўшанда сизни ҳам қўллагувчилар топилади.

**Санъат МАҲМУДОВА**

---

Ўғлим Мардонжонга жуда ачиндим. Ёш бўлишига қарамай, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортибди. Опалари ҳам ота-оналарини йўқлигини билдирмай, "Меҳрибонлик уйи"дан чиқиб, укаларини ҳам олиб чиқиб, бирга яшашибди. Опаларига минг раҳмат, айрим сингилларга ўхшаб ташлаб қўймабди. Биргина укасини деб турмуш қурмабди, ўқишга ҳам кирмабди. Айрим сингиллар бошида эри бўлса-да, укасига қарамайди, "нима бўлсанг бўлавер", деб, эътибор бермайди. Натижада ука ёмон йўлга кириб кетади. Бундай ҳолатга виждонли опалари йўл қўймай, бирга яшабди. Ота-оналари йўқлигини билдирмабди. "Опангни кафтингда тут, синглингни бошингда", деб шунга айтадилар-да. Опани деб, ўғлим ҳозир икки йўл орасида қолибди. Қизнинг ота-оналарига келсак, вақтинчалик дунёга шунчалик берилиб, икки етимни ерга уриб камситибдилар. Ахир етимнинг бошини силаса савоб иш бўлади-ку! Савобни ўйламабдилар-да! Унинг ўрнига: "Ўғлим, майли опангизни уйга олиб келиб иккингиз қаранглар. Ахир опангиз-ку, ажаб эмас, Оллоҳ шифо бериб, шифокорлар сабаб яхши бўлиб қолсалар..." деганларида эди, нур устига аъло нур бўларди.

Одамнинг меҳри ҳар қандай беморни ҳам даволайди.

Ўғлим! Опажонингизни "Қариялар уйи"га топширманг. Маҳалла катталарига учранг, оилангизга қайнона-қайнотангизга насиҳат қилиб, йўлга солиб, опангизни уйингизга олиб келинг. Зора, меҳрибончилиги туфайли яхши бўлиб қолсалар... Ахир одам бир оғиз ширин сўзга, меҳрга зор бўлиб яшайди-ку! Агар келиннинг ота-онаси опангизнинг олдига бориб: "Ўзимиз қараймиз", деб ширин сўз билан кўнгилларини олишса савоб бўлади. Албатта етим бошини силасалар, жаннати бўладилар. Оллоҳ уларни сийлайди.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Ўзбекистон тумани.**

---

Мақолани ўқиб, Мардон акага қилаётган ишлари умуман нотўғри эканини айтгим келди. Эртага опангизга бир гап бўлса кейин шундай меҳрибон зотни ҳеч қаердан топа олмаслигингизни, вақтида эсингизни йиғиб, иш тутишингизни илтимос қиламан. Тўғри, икки ўт орасида қолгансиз. Хотинингиз ва унинг қариндошлари томондан айтилган гапларга парво қилманг. Опангизга эътиборлироқ бўлинг. Ҳеч қачон қариялар уйига ташлаб кетманг.

Хотинингизни онасиникига юбориб, тўғри қилгансиз. Ишингизга келсак, директорингизга дардингизни айтинг. Ахир одам тафтини одам кўтаради, дейдилар-ку. Ишингиздан вақтинчалик жавоб олиб, опангизнинг олдида бўлинг. Агар у ўша пайтда мактабни битириб, турмушга чиқиб кетганда, мана шундай обрў-эътиборли инсон бўлиб етишармидингиз? Сизга шу чоққача оналик қилиб, ҳаётини сизга бағишладими, энди гал сизники. Сиз опангизга ҳаётингизни бағишлаб, унга оталик қилинг.

Мардон акага инсоф, сабр-бардош, опаларига Худодан шифо сўрайман.

**Азиза МУҲИДДИНОВА,**
**Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани.**

---

Мардонжон, "Меҳрибонлик уйи»да опангиз билан ўсиб, вояга етган экансиз. Сизни ўқитиб, институтни тугатишгача опангиз оналик қилибди. Сизни уйлантириб, сизга бахт тилаган ҳам опангиз.

Сиз албатта, опангизни ташлаб қўймаслигингиз лозим. Чунки, опангиз қариялар уйида ҳам ўз тинчини топмайди. Хотинингизнинг онаси ҳам фаҳм-фаросатсиз аёл эканки: "Сендай таги-зотининг тайини йўқ одамга қиз бериб адашибман, энди ажратиб оламан. Бор ўша сил касал опангнинг ёнига", дея сизни ҳам хафа қилибди.

Бу дунёни "Қайтар дунё" дейдилар. Ҳали ким билади қайнонангиз қариганда қанақа касалликка чалинади? Мардонжон ўғлим, опангизни ёлғиз қолдирманг. Ахир у сизни деб бу дунёдан ёлғиз ўтди-ку. Хотинингиз соғ-саломат енгил бўлгач, туғруқхонага бориб, боласи билан онасиникига элтиб қўйинг ва улардан ҳам ҳар кун хабардор бўлиб туринг. Буёғини ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

**Раззоқ ҲАКИМИЙ,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ҳурматли ДИЛБАР аммажон! Муборак 40 ёшингиз билан табриклайман. Доимо фарзандларингиз камолини кўриб юринг. Соғ саломат бўлинг.

Назокатхон.

Қўли енгил шифокор Фахриддин ФАЁЗОВ!

Сизни касб байрамингиз, шифокорлар куни билан табриклаймиз! Сизга соғлик-саломатлик, бахт-саодат тилайман. Илоё инсонларга шифо ато этаётган қўлларингиз дард кўрмасин! Умрингиз узоқ ва файзли бўлсин! Шойнисохон билан қўша қариб юринглар!

Эҳтиром билан Басира, Ғазалкент шаҳри.

Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани осойишталик посбонлари! Сизларни 10-ноябр, касб байрамларингиз билан табриклайман.

Элимиз тинчлиги йўлида сира толманглар. Барчангизга соғлик, оилангизга файзу баракот тилайман.

Хурмат билан Қадамбой оғангиз Иброҳимов

ШОИРАХОН ва ХУРШИДЖОН!

Никоҳ тўйларингиз муборак бўлсин! Бахтли бўлинглар!

Иброҳимжон

Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманидаги 209-мактаб томонидан **ХИКМАТОВА ЗУЛФИЯ ХАБИБУЛЛАЕВНА**га 1993 йилда берилган **АУ 306097** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

**Ошқозон ва 12 бармоқ ярасини янги усулда жарроҳсиз даволаш.**

**Қандли диабет, қон босими янги усулда натижали.**

**Хуршида Холматовна. 317-50-15**

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2006 йил 20 октябр 10-06014/13098-сонли Ажримига асосан **"Samanta Fox"** МЧЖ **БАНКРОТ** деб эълон қилиш учун иш очилган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2006 йил 11 ноябр куни соат 15-00да ўтказилади. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ДСИ биноси 2-қават 17-хонада қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефон: 135-74-88**

ТошМИ клиникаси қошидаги тиббиёт билим юрти томонидан 1993 йилда **ИНОГОМОВА МУҲАЙЁ УМАРОВНА**га берилган СТ-1 №468165 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Қандли диабет, бўқоқ, гижжа, лямблия, витилиго, оқ доғлар, псориаз, соч тўкилиши, болалардаги бўй муаммоси. Натижали даволаш. Табиий гиёҳлар.**

**ТЕЛ: 317-81-15. Раъно ШОКИРОВНА**

**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН**



**Гижжа, лямблия, оқ доғлар, қўтир, "псориаз", катталар ва болаларда сийғоқлик (Энурез), болаларда бўй ўстириш, иммунитетни кўтариш, биологик озиқ қўшилмалар ёрдамида даволаш. ТЕЛ: 317-50-15 Хуршида ХОЛМАТОВНА**

**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН**



# ҲОМИЙГА ТАШАККУР

Маҳалламизда кўпчилик "Оила ва жамият" газетасини севиб ўқийди. Ҳар хил тақдирлар, ҳаётнинг паст-баландлари ҳақидаги мулоҳазали мақолаларни тез-тез муҳокама қилиб турамиз. Айниқса турмушда, соғлиқни сақлашда жуда асқотадиган маслаҳатлардан кенг фойдаланамиз. Маҳалла маслаҳатчиси сифатида иш юритишимда газета яқин кўмакчим. Юртимиздаги наъмунали оилалар ҳақидаги мақолаларни барчага ибрат бўлсин, деб ўқиб бераман.

*Обуна—2007*

Хуллас, "Оила ва жамият" газетасига ҳар йили обуна бўламиз. Бу йилги обуна ҳақида алоҳида гапиришимнинг боиси бор.

Яқинда моддий имкониятлари кенг бир олийжаноб маҳалладошимиз шу газетага обуна бўлмоқчи бўлганларга ўз ҳисобидан ёрдам беришини билдирди. Бу таклифдан жуда хурсанд бўлдик. Ўз номини овоза қилмаслигимизни илтимос қилган бу маҳалладошимиз биргина эътибори билан, яъни, "Оила ва жамият" газетаси орқали маҳалладошларга зиё улашиб, яхшилик, эзгулик, қўйингки, одамийлик фазилатларининг янада кўпайишига ҳисса қўшди. Биз бу ажойиб маҳалладошимиздан чексиз миннатдормиз.

**Мунаввар САИДАЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳар,**
**Мирзо Улуғбек тумани,**
**Алишер Навоий номли маҳалла маслаҳатчиси.**

# ҲАЁТИЙ КУЗАТМАЛАР

Хотинингизнинг сизга ҳурмати ошсин десангиз, ойда бир севган нарсасини совға қилиб туринг.

* * *

Ҳурматли эркаклар, эшитинг. Эркак кишининг хунуги бўлиши мумкин, аммо ҳеч замонда, илгари ҳам, ҳозир ҳам аёл зотининг хунуги туғилмаган.

* * *

Донишмандлар айтадилар:

- Мабодо, аёлингиз билан аразлашиб қолсангиз, сал панароқ жойда туртиниб кетинг. Энг яхшиси, қўлингизни қўлига уриб қўйинг. Олам гулистон.

* * *

Бир амалдор акахонимиз "пахта иш"и билан ўтириб чиқдилар. Келганларидан кейин у кишини илмини, иш юритиш қобилиятини инобатга олишиб, колхозга раис қилиб қўйишди.

Иш юзасидан, бир куни у кишини ҳузурларига бордим. Стол устида пахта гулли 2 та пиёла, чойнак ва битта крушка турибди. Кўнгилларига келмасин "нега крушка турибди", сўрамоқчи эдим, сезгирлик туфайли ўзлари гап очиб қолдилар.

- Э, ука, ўша ердан менга ёдгорлик. Ишлатмайман. Лекин ҳар куни кўзим шу крушкага тушиб турса, ўтган кунлар ёдимга келади. Яратган Эгам ҳеч кимни у ерларга насиб этмасин деб дуо қилиб тураман, - деди.

Аллоҳим ҳеч кимни ҳидоят йўлида адаштирмасин.

**СУЛТОНМУРОД ФАЙЗИЕВ,**
**Бука шаҳри.**

# ШИМ ШОРТИККА АЙЛАНДИ

Қуйидаги ҳангомани яқинда қишлоқдошим Матқобул бобо айтиб бердилар.

Катта ўғлим Илҳомжон бозордан шим олибди. Узунроқ бўлган шекилли, хотинига ярим қарич кесиб ташлаб, тўғрилаб беришни айтибди. Келини шошиб тўйга кетаётган экан, тўйдан қайтганидан сўнг бу ишни келиб қилиб қўйишини айтибди. Илҳомжон шу пайт келинини кўриб қолиб, бу юмушни унга топширибди. Невараси йиғлаб қолибди шу топда. Келини бироздан сўнг бу ишни бажариб қўйишини айтиб, узр сўрабди. Бу орада Илҳомжоннинг катта қизи мактабдан келиб қолибди. Ота бу юмушни шу қизига топширибди. Қизи отасининг шимини қўлига оларкан, ичкаридан - янгаси хамирнинг тайёр бўлганини, тандирга олов ёқиб юборишини сўрабди.

*Қишлоқ ҳангомалари*

Илҳомжон шимини олиб, шкафга солиб қўйибди ва кетмонни олиб далага кетибди. Бу орада Илҳомжоннинг хотини тўйдан келиб, шкафда турган янги шимни олиб, накд ярим қарич кесиб, тикиб, текислаб яна жойига солиб қўйибди. Сўнг қўшниларникига чиқиб кетибди. Янга ҳам нонни тандирга ёпиб, қолган ишни қайнсинглиси қилишини тайинлаб, шкафдан шимни олиб накд ярим қарич кесиб, тикиб, дазмоллаб қайнота "буйруғи"ни бажарибди. Илҳомжоннинг қизи ҳам иссиқ нонларни тандирдан узиб олибди-ю, отасининг далага кетаётиб айтган гапи ёдига тушибди.

Қизи ҳам накд ярим қарич кесиб, текислаб дазмоллаб қўйибди. Илҳомжон ака кечки дастурхонга ўтирар экан, хотини шимини тайёрлаб қўйганини эслатибди. Келини сигирни соғиб, сутни сирли товоққа соларкан, қайнотасига топшириқни бажариб қўйганини айтибди. Кўчадан 2 челакда сув олиб келган қизи шимни кесиб, тикиб қўйганлигини айтибди. Илҳомжон ака ҳайрон бўлиб ичкари кириб хотини, келини ва қизи бажарган юмушни кўриб хохолаб кулиб юборибди. Жаҳли чиқибди-ю, аммо бўлган иш бўлганди.

Илҳомжон ака янги шортик-шимни кийиб чиқаркан: "Раҳмат, лой ишларга киядиган кийимим йўқ эди, ўзи", - дебди.

**Зебунисо ҒАФФОРОВА,**
**ТДПУ талабаси.**

# ЙЎҚОЛГАН ПУЛ

Ишдан ҳориб келган Рустамжон ювиниб, отаси ёнида ўтириб, кечки нонуштадан сўнг дам олмоқчи эди.

- Ўғлим, тўйга боргин, айтилгансан, - дедилар ота.

- Сираям тўйга боргим йўқ, ота. Дам олсам дегандим.

- Ҳа, майли. Унчалик бўлса... Айтмоқчи, бугун бозорда икки минг сўм пулингни йўқотдинг, шундайми?

*Туш таъбирномаси*

Рустамжон ҳайрон бўлди. Ўйланиб, пул йўқотмаганини эслаб:

- Отажон! Нега ундай деяпсиз? Пулларим жойида-ку.

- Тушимда шундай бўлди. Билмасам...

Шу пайт Рустамжоннинг акаси келиб қолди ва тўйга борамиз, деди. Ота Рустамжонни яна акаси билан тўйга боришга қистади. Энди отасининг қистовига қарши боролмади. Акасига ҳамроҳ бўлди. Хушовоз санъаткорлар ташриф буюришган экан. Кетайлик, деганига қарамай акаси қўзғолмади. Хуллас, уйга келганларида отасининг тоби қочган, кичкина укалари нима қилишини билмай турган экан. Шифокорни олиб келишга улгурмадилар. Фарзандларининг тўйдан келишини кутиб тургандай Муҳаммаджон ота калима қайтариб, жон қушини учириб юбордилар.

Рустамжонга ўзидаги чарчоқ аломатлари ҳам, отасининг қистаб тўйга юборишлари ҳам сирли бўлиб кўрина бошлади. Яна отасининг бозор ёнида икки минг сўмни йўқотдинг деганлари-чи? Пул ўзлари экан-да. Бозор тириклик олами белгисимиди? Пулнинг йўқолиши ана шу тириклик оламидан кетишимиди?

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Қўл урган ишларингиз хамирдан қил суғургандай осон ҳал бўлади. Чоршанба кунги хабардан эса кўнглингиз тоғдай кўтарилади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ишингиз ҳам, оилангиз ҳам рисоладагидай. Муҳими ҳар бир ишда ўзаро келишув ва ишончни йўқотманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** -Дам олиш кунлари сизни романтик учрашув кутмоқда. Янги ҳафта эса турли тадбирларга бой бўлади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Яқинларингизнинг ишончини йўқотмасликка ҳаракат қилинг. Сешанба ва шанба кунлари харидлар учун қулай. Чоршанбада қўлингизга пул тушади.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Сиз ҳаётингизни боғламоқчи бўлган инсон биргина ноўрин хатти-ҳаракати билан кўнглингизга озор бериши мумкин.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Гавжум кўчаларни кесиб ўтаётганда ҳушёр бўлинг. Умуман, бу ҳафтада соғлиқ билан боғлиқ муаммоларга дуч келишингиз мумкин.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Муҳим топшириқ билан хизмат сафарига борасиз. Шу ишни уддаласангиз, мавқеингиз ҳам, лавозимингиз ҳам ошиши аниқ.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ишларингиз шу қадар кўпайиб кетадики, ҳатто бош қашишга ҳам вақт тополмай қоласиз. Ҳафта сўнгида озроқ дам олишга ҳаракат қилинг.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Дам олиш кунларини кўнгилли ўтказишга ҳаракат қилинг. Чунки янги ҳафтада ишларингиз жуда кўпайиб кетиши кутилмоқда.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** -Ҳафтани бир қадар асабий, жонсарак ҳолатда ўтказасиз. Душанба кунги воқеалар бунга сабаб бўлади. Соғлиғингиз ҳам панд бериши эҳтимоли бор.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Сиздан маслаҳат ва моддий ёрдам сўрайдиганлар кўпаяди. Имкониятингизга қараб улардан мададингизни аяманг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Бу ҳафтада сиздан талаб этиладигани қатъият ва талабчанлик. Шунда ҳамма ўйлаган ишларингиз маромида бўлади.



*«Оила ва жамият» фотоальбомидан.*

Расул
Ўзбек пивоси
Ўзбек мумтоз шоири
Диёр / Қуш тури
Номус
Етакчи
Эркин, хур
Ўғил бола исми
Тоғ спортчиси
Ачитқи
Ука
Куз ойи
Зарур
Татарча димлама
Қадар / Квота
Ота
Мулла
Ҳадик
Вазн / Олмош
365 кун
Шеър ёзувчи
Спиртли ичимлик
...-Эътибор
Кинна
Нарса, буюм
Дарё (Қозоғистон)
Увол
Алгебра отаси
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Соат қисми
Кафе
Таиланд
Одам ...
Кир (акси)
Сабот
Дилкаш
Йўлига ... Бўлди
Ширинлик
Талабалар мусобақаси
Севги, ҳавас
Ошнаоғайни
Чекиш анжоми
Ривожланиш
Субут
Сирға
Тоат-...
Чучук (акси)
Рози
Лаҳза
Иш устаси / Гилоф
Қизлар етакчиси
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Ранг
Душман
Экин хили
Рад этиш
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Рангрўй
Хорижлик боксчи
Дарё (Африка)
Ҳашарот
ТВ русуми
Платон (ўзбекча)
Ошхона анжоми
...-Сонда
Ерёнғоқ, писта
Малай, шотир
Ёғин тури
Ови юриб, ...и Юрмади
Ўйгимчак уяси
Жавон
Хайрия
Тўқай қуши
Қадим шашка
Емакхона / Майна (қуш)
Попов ихтироси
... Наср Форобий
...-де-Жанейро
Беш достон
Турмуш қурган
Спорт фирмаси
Уй ҳайвони
Қўлда ўлчаш
Озғин, ориқ
... сари барака
Оллоҳ таоло
Пайғамбар
...-Алжойи гаплар
Инглиз маликаси (марҳум)
Сталлоне роли
Аёлга мурожаат
...-Эн-Эн
... Узала
Марҳум футболчи
Соқчи
Нафсоният
АҚШ фазо маркази
Рус қизлари исми
Қадим ерости илоҳи
Тегишли, доир
Соф, ҳалол
Нота
Мимик ишора
Фазо
Ҳад, чегара
Дезодорант
Ўғил бола исми
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Ажабо (шева)
Пардоз
Вена, аорта
Вой-...!





### TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10 Мировые хиты
07.30 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Микст-концерт
09.00 Сериал «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 2-серия
10.00 Узбек наволари
11.00 Худ. фильм «НОК-ДАУН»
13.30 Мировые хиты
14.00 «Юлдузли пайшанба»
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.00 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.10 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Сериал «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 3-серия
20.10 Мировые хиты
20.30 «Премьера» (рус.)
20.50 Узбек наволари
21.00 «Миссия неповторима»
21.30 Узбек наволари
22.00 Киноколлекция. Худ. фильм «ФАНФАН - ТЮЛЬПАН»
24.00 Миксер

### ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Малахов +»
10.00 «Сестры по крови». Многосерийный фильм
11.00 «Тихий Дон». Многосерийный фильм
12.00 Новости
12.30 «Лолита. Без комплексов»
13.20 «Детективы»
14.00 Другие новости
14.25 «Контрольная закупка»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.15 «Понять. Простить»
15.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
16.55 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 «Пять минут до метро». Многосерийный фильм
19.10 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
19.55 «Сестры по крови». Многосерийный фильм
21.00 Время
21.30 «Тихий Дон». Многосерийный фильм
22.25 «Последние 24 часа». Павел Луспекаев
23.30 «На ночь глядя»
0.20 Ночные новости
0.35 Джон Гудмэн в комедии «Воришки»
2.10 Алексей Кравченко, Александр Носик в фильме «Цветы от победителей»
3.00 Время
3.30 Фильм «Цветы от победителей». Продолжение
4.10 «Великолепная пятерка». Документальный фильм

### РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Страсти по Солоницыну».
9.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00 Мария Порошина, Татьяна Абрамова, Даниил Страхов, Ирина Гринева и Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
11.00 ВЕСТИ.
11.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11.50 Мария Порошина, Татьяна Абрамова, Даниил Страхов, Ирина Гринева и Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
12.50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
13.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.00 ВЕСТИ.
14.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
14.40 «Суд идет».
16.00 «Кулагин и партнеры».
16.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.00 ВЕСТИ.
17.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
17.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18.40 «Волчица». Телесериал.
19.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
20.00 ВЕСТИ.
20.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
21.05 «Спокойной ночи, малыши!».
21.15 Мария Порошина, Татьяна Абрамова, Даниил Страхов, Ирина Гринева и Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
23.15 «Исторические хроники» с Николаем Сванидзе. «1954. Маленков».
0.15 «ВЕСТИ+».
0.35 Валерий Гаркалин в остросюжетном фильме «Я сама». 1993г.
2.10 «Дорожный патруль».
2.25 «Горячая десятка».
3.25 «Закон и порядок»
4.10 Роб Лоу и Том Сайзмор в телесериале «Доктор Вегас» (США). 2004г.

## ПАЙШАНБА 16

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Олам ва одам" дастури: "Акула ва тўлқинлар".
"Болалар сайёраси":
9.10 1. "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
2. "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
10.10 ТВ анонс.
10.15 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
10.35 "Умр мазмуни".
10.55 "Дунё иқлими".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "ТВ шифокор".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 "Дил таронаси".
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
12.10 ТВ анонс.
12.15 "Бизнинг кутубхона".
12.25 "Рангин дунё".
12.45 "Сарой жавоҳири". Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
13.55 "Дунё иқлими".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Д. Верди. "Травиата". 1-қисм.
16.35 ТВ анонс.
"Болалар сайёраси":
16.40 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Эски альбом.
17.20 "Имконият".
17.40 "Шифокор қабулида".
18.05 "Оҳанглар оғушида".
18.15 "Виждон". Телесериал.
19.00 "Таҳдид". Ҳужжатли фильм.
19.15 "Сизнинг адвокатингиз".
19.20 "Дунё иқлими".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари". Телесериал.
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Одамлардан бири".
22.00 "Сарой жавоҳири". Телесериал.
23.10 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Китлар қўриқчиси".

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 **"Муҳаббат дардлари"**. Сериал.
8.40 Давр мавзуси.
8.55 Қадимий қўшиқлар. Бахши.
10.00 Давр.
10.15 **"Муҳаббат қаҳваси"**. Сериал.
11.50 Истиқбол тимсоллари.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Япония: руҳият ва макон.
14.00 **"Шимол тафти"**. Сериал.
14.30 ДаврА.
15.00 Автопатрул.
15.20 Меҳмонхона.
15.40 Сув – ҳаёт манбаи.
15.55 Омон бўлинг!
16.00 Давр.
16.15 Ватан мадҳи.
16.30 **"Сеҳрли тош"**. Болалар сериали.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болалар шеърияти.
17.20 Болалар табассуми.
17.25 Матонат.
17.40 Чемпион сирлари.
18.00 **"Саломея"**. Сериал.
18.35 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 **"Шимол тафти"**. Сериал.
20.10 Юртим юраги.
20.15 Бу шундай бўлган эди...
20.35 Наво-SMS.
20.50 Омон бўлинг!
21.00 **"Муҳаббат дардлари"**. Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 **"Саломея"**. Сериал.
23.20 – 23.25 Орзу бекати.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер – маркет".
9.30 "Мисли гавҳар".
9.45 "Келажакка интилиб".
9.55 "Интервью".
10.25 Мультфильм. "Том ва Жерри" /рус/.
10.35 "Анонс".
10.40 "Эрудит" /рус/.
10.55 - 12.20 Кино: "Тўй оқшоми" /рус/.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм. "Кўк сичқонча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари".
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 "Иқтисод - ревью".
20.00 **"Пойтахт"**
20.20 "Эрудит". /рус/.
20.35 Ҳайвонот дунёси.
21.00 "Интервью". /рус/.
21.10 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт".
21.45 "Анонс".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Афсонавий Бухоро". Телефильм.
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури (рус)
22.50 Кино: "Мағрур қалб"

### SPORTV

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 "Ҳайвонот олами".
9.00 "Хабарлар" (ўзб)
9.20 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.50 Детективлар.
10.20 От спорти.
10.50-11.20 Муайтай.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.55 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
19.20 "Гейм-Сет- Матч".
19.35 "Шарқ яккакурашлари".
20.00 "Вести".
20.20 "Беллашув"
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Қиш олчаси". Сериал.
23.00 Еврофутбол.

### TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10 Мировые хиты
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Узбек наволари
09.00 Сериал «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 3-серия
10.00 Узбек наволари
11.00 Худ. фильм «ФАНФАН-ТЮЛЬПАН»
13.00 Мировые хиты
14.00 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.30 Мировые хиты
17.00 «Великолепная семёрка»
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.10 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Сериал «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 4-серия
20.10 «Спецрепортаж – Неделя дизайна и моды»
20.20 Мировые хиты
20.30 «Премьера» (узб.)
20.50 Мировые хиты
21.00 «Юлдузли пайшанба»
21.30 Узбек наволари
22.00 Х/ф «ЯРИМ БАХТ»
24.00 Миксер

### ОРТ

5.00 «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Малахов +»
10.00 «Сестры по крови».
11.00 Тихий Дон». Многосерийный фильм
12.00 Новости
12.30 «Лолита. Без комплексов»
13.25 «Детективы»
14.00 Другие новости
14.25 «Контрольная закупка»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.15 «Понять. Простить»
15.50 «Любовь как любовь».
16.55 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 «Судьба на ладони».
19.10 «Пусть говорят»
19.55 «Сестры по крови».
21.00 Время
21.30 «Тихий Дон». Многосерийный фильм. Заключительная серия
22.25 «Человек и закон».
23.25 «Судите сами»
0.20 Ночные новости
0.35 Премьера. Фильм «Аламо» (2004 год)
3.00 Время
3.30 Сериал «Мертвая зона»
4.10 «Природа вещей»

### РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Люди-обезьяны. Секретные опыты доктора Иванова».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
11.00 ВЕСТИ.
11.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
11.50 Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
12.50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
13.45 ВЕСТИ.
14.00 ВЕСТИ.
14.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
14.40 «Суд идет».
16.00 «Кулагин и партнеры».
16.40 ВЕСТИ.
17.00 ВЕСТИ.
17.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
17.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18.40 «Волчица». Телесериал.
19.40 ВЕСТИ.
20.00 ВЕСТИ.
20.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
21.05 «Спокойной ночи, малыши!».
21.15 Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
23.15 «Королева тигров. Маргарита Назарова».
0.10 «Зеркало».
0.30 «ВЕСТИ+».
0.50 Малькольм Макдауэлл в фильме Стэнли Кубрика «Заводной апельсин» (Великобритания). 1971г.
3.30 «Дорожный патруль».
3.40 «Закон и порядок»
4.30 Канал «Евроньюс»

## ЖУМА 17

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Олам ва одам" дастури: "Китлар қўриқчиси".
"Болалар сайёраси":
9.10 1. "Болалар дунёси".
2."Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
9.50 ТВ анонс.
9.55 "Табаррук замин".
10.25 "Рақснинг сеҳрли олами".
10.50 "Сизнинг адвокатингиз".
10.55 "Дунё иқлими".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "ТВ шифокор".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 "Дил таронаси".
12.00 "Юртим бўйлаб" дастури: "Морхўр изидан". "O'zbektelefilm".
12.20 "Ҳажвия бисотидан".
12.40 ТВ анонс.
12.45 "Сарой жавоҳири". Телесериал.
13.50 "Зилол". Фольклор қўшиқлар.
13.55 "Дунё иқлими".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Д. Верди. "Травиата". 2-қисм.
"Болалар сайёраси":
16.25 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.40 "Меҳр кўзда". Хатларга шарҳ.
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Бизнес янгиликлари".
17.35 ТВ анонс.
17.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
18.00 "Минг бир ривоят".
18.05 "Ҳидоят сари".
18.25 "Виждон". Телесериал.
19.10 "Оҳанглар оғушида".
19.20 "Дунё иқлими".
19.30 "Ахборот" (рус)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари". Телесериал.
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Кўҳна оҳанглар".
22.00 "Сарой жавоҳири".
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Беминнат тасвирчи".

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 **"Муҳаббат дардлари"**.
8.40 Чемпион сирлари.
9.00 Қадимий қўшиқлар. Катта ашула.
10.00 Давр.
10.15 **"Муҳаббат қаҳваси"**. Сериал.
11.45 Матонат.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Япония: руҳият ва макон.
14.00 **"Шимол тафти"**.
14.30 Тақдир.
15.05 Ватаним!
15.10 Бу шундай бўлган эди...
15.30 Азизим.
15.55 Омон бўлинг!
16.00 Давр.
16.15 Ватан мадҳи.
16.30 **"Сеҳрли тош"**. Болалар сериали.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болажон.
17.20 Биз табиатни севамиз!
17.35 Юртим юраги.
17.40 Солиқ хизмати.
17.50 Сифат белгиси.
18.00 **"Саломея"**. Сериал.
18.35 Дилрабо.
18.45 Давр-репортаж.
19.00 ДАВР.
19.40 **"Шимол тафти"**. Сериал.
20.10 Спорт-лото.
20.15 "Камолот" қурултойи кундалиги.
20.20 "Моя мечта". Дунё таомлари.
20.50 Омон бўлинг!
21.00 **"Муҳаббат дардлари"**. Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 **"Саломея"**. Сериал.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "Санъат гулшани".
9.50 "Қоядаги расмлар". Телефильм.
10.25 "Интервью" /рус/.
10.35 Мультфильм.
10.45 "Иқтисод - ревью"
11.00 "Эрудит" /рус/.
11.15 - 12.45 Кино. "Мағрур қалб" /рус/.
***
18.00 "Афиша". /рус/.
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 **"Саломат бўлинг"**.
20.00 **"Пойтахт"**
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 Ҳайвонот дунёси.
21.00 "Репортаж" /рус/.
21.10 "Жозиба".
**21.30 "Пойтахт".**
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Маърифат фидойилари".
**22.30 "Пойтахт"**
22.50 Кино. "Муҳаббатга ошиён юрак". 1 - қисм. Премьера. /Хиндистон/.

### SPORTV

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 "Ҳайвонот олами".
9.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
9.20 "Снукер".
10.00 Детективлар.
10.30 "Ринг".
11.00 От спорти. Ўзбекистон кубоги.
11.30-12.00 Кураш. Республика турнири.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
19.00 "Мўъжизалар майдони".
20.00 "Вести".
20.20 "Қиш олчаси". Сериал.
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Аптека эшитади".
22.35 "Севимли қўшиқлар". Концерт дастури.
23.30 Волейбол. Жаҳон чемпионати.

### TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Мировые хиты
09.00 Сериал «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 4-серия
10.00 Узбек наволари
11.00 Наше кино. «ЯРИМ БАХТ»
12.40 Мировые хиты
13.30 Узбек наволари
14.00 «ТОП-20»
14.45 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
17.00 «Судьбы»
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.10 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Сериал «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 5-серия
20.10 «Спецрепортаж – Неделя дизайна и моды»
20.20 Узбек наволари
21.00 «Премьера» (рус)
21.20 «Очил дастурхон»
21.50 Мировые хиты
22.00 Худ. фильм «ТРОЯ»
00.55 Миксер

### ОРТ

5.00 «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Малахов +»
10.00 «Сестры по крови».
10.55 «Тихий Дон». Многосерийный фильм. Заключительная серия
12.00 Новости
12.30 «Лолита. Без комплексов»
13.25 «Детективы»
14.00 Другие новости
14.25 «Контрольная закупка»
15.00 Новости
15.15 «Понять. Простить»
15.50 «Любовь как любовь».
16.55 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости.
18.20 «Пусть говорят».
19.00 «Поле чудес»
19.55 «Сестры по крови».
21.00 Время
21.25 «КВН-2006»
23.35 Премьера. Эштон Кетчер в романтической комедии «Молодожены»
1.20 «Роман со звездой». Документальный фильм
2.30 Премьера. ТЭФИ - 2006. XII Торжественная церемония вручения Национальной телевизионной премии. Профессии
3.00 Время
3.25 ТЭФИ - 2006. Продолжение

### РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Мой серебряный шар. Леонид Куравлев». Ведущий - Виталий Вульф.
9.45 «Мусульмане».
10.00 Мария Порошина, Татьяна Абрамова, Даниил Страхов, Ирина Гринева и Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
11.00 ВЕСТИ.
11.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11.50 Мария Порошина, Татьяна Абрамова, Даниил Страхов, Ирина Гринева и Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
12.50 «Ха». Маленькие комедии.
13.00 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
13.30 «Вся Россия».
13.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.00 ВЕСТИ.
14.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
14.40 «Суд идет».
16.00 «Кулагин и партнеры».
16.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.00 ВЕСТИ.
17.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
17.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18.40 «Волчица». Телесериал.
19.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
20.00 ВЕСТИ.
20.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
21.05 «Спокойной ночи, малыши!».
21.15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Мария Порошина, Татьяна Абрамова, Даниил Страхов, Ирина Гринева и Ярослав Бойко в мелодраме «Всегда говори «всегда».
23.10 «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
1.05 Антон Андросов в комедии «Здравия желаю!». 1990г.
2.40 «Дорожный патруль».
3.00 НОЧНОЙ СЕАНС. Остросюжетный фильм «Взрослый ребенок»
4.50 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
5.30 Канал «Евроньюс».




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*

# MEN RASSOM BO'LMOQCHIMAN





Dilhumor Obidova endi 8 yoshga to'ldi. U Toshkent shahridagi 186-maktabning 3-sinfida a'lo baholarga o'qimoqda. Dilhumorning hayotdagi shiori "Faqat olg'a". Undan: "Sen ulg'ayib kim bo'lmoqchisan?",-deb so'rasangiz: "Men rassom-dizayner va tish shifokori bo'lmoqchiman", - deb aytadi.

Tirishqoqligi bois maktabda o'tkaziladigan "Yosh rassomlar" tanlovida har yili birinchi o'rinni egallab kelmoqda.

Dilhumorning "Toshbaqa", "Quvnoq quyoncha", "Inoq bolalar", "Do'stlik" kabi ishlarining yaratilishida yosh musavvir Shavkat Muzaffarning xizmatlari katta.

Dilhumorning asarlari Yaponiyada o'tkaziladigan ko'rgazma uchun tanlab olindi. Endi u o'z asarlari bilan Yaponiyada o'tadigan ko'rgazmada ishtirok etadi.

**Dilrabo OBIDOVA.**



### TEZ AYTISHLAR

1. Boqi qoqini Soqiga sotdimi, Soqi qoqini Boqiga sotdimi?
2. Asalari asalni ayiqdan ayamadi.
3. Soli hovlida holi qoldi.
4. Erkin egatga ekin ekdi.
5. Ergash Erkinga ergashdimi, Erkin Ergashga ergashdimi?
6. Hamma Hayriga hayron.
7. Tolib to'pni tepib toldi, so'ngra to'pni sumkaga soldi.
8. Jo'jani kuzda sanaydimi, kuzda jo'jani sanaydimi?
9. Qobil qordan Qorbobo yasadi.
10. Ari qarimi, bobo qarimi?
11. "Nido" dostonmi, do'stim Dostonmi?
12. Mahallada qo'ylar ko'pmi, uylar ko'pmi?
13. Izg'irin Izzatni izillatdi.
14. Ra'no Ravshandan ranjidimi, Ravshan Ra'nodan ranjidimi?
15. Soat soatiga soatlab qaradi.
16. Salim sumkasiga patirini soldi, Salima sumkasidan patirni oldi.
17. Surayyo, surmani ko'zingga surma!
18. Sabohat bu safar Samarqandga safarga chiqdi.
19. Chori childirmani chaldi.
20. Karim korandami, parrandami, darrandami?

### TOPISHMOQ

Shakli xuddi shar,
To'ni beqasam.
Mazasi shakar,
Men totib ko'rsam.
(Tarvuz)

Beli bog'liq bir tutam.
Lekin emas guldasta.
U bilan uy, hovlini
Qilsa bo'lar orasta.
(Supurgi)

Kecha - kunduz yurar jadallab,
Yurmoqlikda tinim bilmaydi.
O'z burchini o'tar u, lekin
Yurgan bilan joydan jilmaydi,
Kunda qarar unga har kishi,
Chunki, tushar hammaning ishi.
(Soat)

Suvda yashar bir hayvon,
O'zi juda ham polvon.
Qalindir uning tani,
Tanida bor fontani.
(Kit)

**Omonulla ABDUSALOMOV,**
**Andijon Davlat Tibbiyot Instituti assistenti, ma'naviyat bo'limi uslubchisi.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИР ҚИЛАДИМИ?

Электр энергияси чиқинди чиқармайдиган ва радиоактив таъсирга эга бўлмаган энг тоза ҳамда ишлатишга қулай энергия тури ҳисобланади. Тўғри, электр энергиясин ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хом -ашёлар атроф-муҳитга маълум даражада таъсир кўрсатади. Электр тармоқларида ишлатиладиган турли техник воситалар шаҳар ва қишлоқлар меъморий кўринишини бузиб туриши ҳам рост. Аммо шунга қарамай бугунги кунимизни электр энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди.

### СУВ КЎТАРИЛИШИ ВА ҚАЙТИШИДА ҲОСИЛ БЎЛАДИГАН ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИНМИ?



Денгиз энергиянинг битмас-туганмас манбаларидан бири ҳисобланади. Аммо уни ажратиб олиш жуда мушкул. Шу боис қадимда кичик ҳудудларда ишлаб чиқариш учун денгиз суви сатҳи кўтарилиши ва қайтишида ҳосил бўладиган энергияни истеъмол қиладиган содда техника воситаларидан фойдаланишган. Бугунги кунда ҳам айнан ана шу энергия электр токи ишлаб чиқаришда қўлланилмокда. Лекин уни юқори самарали деб бўлмайди.

Сув сатҳи кўтарилиши ва қайтишида ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланиш учун дарёларнинг денгизга қуйилиш жойида тўғон қуриб сунъий кўл ҳосил қилинади. Денгиз сатҳи кўтарилганда кўл сувга тўлади, қайтганда эса аксинча қурийди. Ана шу жараёнда сувнинг ҳаракати электр энергияси ишлаб чиқарувчи генераторни ҳаракатга келтиради.

### БУҒ ВОСИТАСИДА ИСИТИЛАДИГАН УЙЛАРДА ИССИҚЛИК ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

Кўпчилик уйлар, айниқса шаҳарларда, қиш фаслида марказий қозонхона орқали иситилади. Баъзи уйларда эса ўзининг ички кичик иситиш тизими бўлади. Ана шу тизим сув иситиладиган қозон, ҳароратни меъёрлаштириб турувчи термостат ва турли радиаторлардан тузилган бўлиб, иссиқлик уй бўйлаб қуйидагича тақсимланади:

1. Қозон сувни 70-80, ҳатто 100 даржагача иситиб беради.
2. Иссиқ сув насос ёрдамида трубалар орқали хоналарга ўрнатилган радиаторларга етказиб берилади.
3. Радиаторлар чиқарган иссиқ эса хона ҳароратининг кўтарилишига олиб келади.
4. Қозон ўчирилганда унинг ичидаги, демакки бутун иситиш тизимидаги сув совуй бошлайди.
5. Сув радиаторлардан трубалар орқали бошқа томондан яна қозонга келиб тушади ва қайтадан иситилади. Бу жараён циркуляция, яъни айланма ҳаракат деб аталади.



### ЭЛЕКТР ИСТЕЪМОЛИНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИНМИ?

Ҳар сафар чироқни ёққанимизда ёки маиший электр асбоблари (радио, дазмол, телевизор, фен, музлаткич, чангютгич ва хоказо)ни ишлатганимизда электр энергияси истеъмолчисига айланамиз. Техника тараққиёти инсоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ортишига олиб келмоқда. Кўплаб тараққий этган давлатларда электр энергияси исроф қилинади, яъни зарурат бўлмаса-да хоналарда чироқ ёниб туради, телевизор, радио, винтеляторлар, совуткичлар ишлайверади.



Электр энергияси истеъмолини камайтириш истеъмолчининг ўзи учун кўпроқ фойдали. Чунки шундай қилинганда у фойдаланилган энергия учун камроқ ҳақ тўлайди. Электр энергиясини тежашнинг бир қанча оддий усуллари бор. Жумладан, кучланиши камроқ бўлган лампочкалардан фойдаланиш, чироқларнинг зарурат бўлмаганда ёниб, телевизор, радио, компьютер каби маиший асбобускуналарнинг бекорга ишлаб туришига йўл қўймаслик, хонадаги иссиқ ёхуд совуқ ҳаво ташқарига чиқиб кетмаслиги учун деразa ва бошқа тирқишларни яхшилаб беркитиш зарур.

### ТРАНСПОРТНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАШГА АЛОҚАСИ БОРМИ?



Жамоат транспортида юриш бир томондан шахсий автомашинадан фойдаланишга нисбатан анча арзонга тушади. Қолаверса, унинг атроф-муҳит ифлосланишига таъсири ҳам камроқ бўлади. Чунки автобус, трамвай, троллейбус ёки поездда бир йўла ўнлаб ёхуд юзга яқин одамлар манзилига етиб олиши мумкин бўлгани ҳолда, шахсий машина салонига бор-йўғи 4-5 киши сиғади холос.

Трамвай, троллейбус, метро ва электропоездлар суюқ ёқилғи ўрнига электр энергияси билан ҳаракатга келтирилади, шу боис улар атроф-муҳитни умуман ифлослантирмайди.

**ДАРМОН тайёрлади.**

**Дарвозадан эрининг жасадини кўтариб кириб келишди.**

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

# ЗУЛМАТГА АЙЛАНГАН ТОНГ

Зебо эри билан иноқ-тотув яшашарди. Муроду мақсадимизга етайлик дейишиб, ўғилчаларига Мурод деб исм қўйишганди. Зебо иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлгач, эрининг боши яна кўкка етди.

Эри навбатдаги хизмат сафари билан Наманганга кетгач, ҳали вақт борлигига қарамай, Зебони тўлғоқ тутди. Кўзи ёриб, ўғилли бўлди. Бола бироз эртароқ туғилган бўлса-да, саломатлиги анча яхши эди.

Аммо орадан 10 кун ўтса-да, эридан хабар бўлавермагач, Зебо бетоқатланди, қайнонаси билан маслаҳатлашиб, боласига Саид деб исм қўйишиб, туғруқхонадан чиқишди. Янги меҳмон шарафига сочқилар сочилиб, қайнонаси ирим-сиримини қилиб, болага исириқ тутатаётганда... Дарвозадан 5-6 чоғли эркак эрининг жасадини кўтариб кириб келишди ва...

Келганларнинг айтишича, эри куни кеча уйга қайтиш тадоригини кўрган, сўнг дарёга чўмилишга кетган. Аммо фалокатни қарангки, сувга тушиб кетган бир қизалоқни қутқараман деб, ўзи оқиб кетибди. Шериклари унинг мурдасини қоронғу тушгандагина топа олишибди...

Зебо чирқираганча қора кийиб, бева бўлиб қолаверди. Сочлари оқарди, қалбидаги куйик ич-этини еб битирди. Шунга қарамай синмади. Икки боласига ҳам ота, ҳам она бўлиб, ҳеч нарсага зориқтирмай ўстирди.

Икки ака-ука ёшлигидан бир-бирларига жуда меҳрибон бўлиб улғайишди. Она ўғилларини меҳнатга ўргатди, уларнинг кийимларини доим тоза тутар, соатлаб китоблар ўқиб берарди. Кечагина ўқишга чиқишганди, бугун эса...

Мурод вилоят марказидаги институтда ўқиди, инженер бўлди. Саидни эса мактабни битиргач пойтахтга жўнатишди. Мурод ўша ерда ўқишга тайёрланасан, деб укасини яна пойтахтга жўнатди-ю, уйдаги мол-ҳолларни сотиб, минг хижолат билан онасига бериб қўйган маошларини (буни онаси тўй харажати учун тўплаётган эди) қайтиб олиб, етмаганига қарз-ҳавола қилиб, укасининг ўқишини гаплашиб келди. Саид ҳуқуқшунослик институтининг талабасига айланди.

Саид талабалик йилларидан бошлаб ўқишдан кейин судда у-бу ишларни қилиб юриб, серҳаракатлиги билан кўпчиликнинг назарига тушди. Ўқишни битириб, бир-икки йил котиб бўлиб ишлагач, ижрочиликка ўтди. Акасининг тўйига ҳам совға-салом билан борди. Зебо аянинг эса келин олиб, бағри тўлиб қолди. Келини шу қишлоқдан. Ишчан, соддагина қиз.

Кўп ўтмай Зебохон иккинчи келинлик ҳам бўлди. Тўнғичи Мурод онаси топган қизни кўришга ҳам унамай: “Сизга ёққан бўлса бўлди-да”, - деб уйланаверган эди. Саид бундай қилмади. Ишлаётган жойидаги Умида исмли қизга кўнгил қўйибди. У қиз ҳақиқий шаҳарлик, отаси катта лавозимда ишларкан. Улар қизларининг раъйига қараб, Умида ёлғиз фарзанд бўлгани учун Саидни ичкуёв қилишга рози бўлишди. Тўй харажатларининг барчасини Умиданинг отаси кўтараётгани учун Саид тўйни қишлоқда қилиш ҳақида оғиз ҳам очолмади.

Бу хабарни онаси ва акасига айтиш учун вақт топиб қишлоққа йўл олди. Унинг кўзига қишлоқ анча ўзгаргандек кўринди. Онасининг сочига оқ оралабди, кўзлари ҳам салқиган (соғинчдан бўлса керак). Акаси фарзандли бўлибди. Кеннойиси... Кеннойисини Умида билан солиштирган чоғи Саидга у бироз ғалати, чарчаган, сўлғиндек туюлди.

Саид маслаҳатсиз бошлаб қўйилган тўй ҳақида қандай гап бошлашни билмай роса каловланди. Охири бор гапни айтганида эса ҳаммалари ёқа ушлашди.

- Бу қанақаси, болам? Отанг бўлмаса, мана мен борман, аканг бор. Тўйини бошлаб қўйиб ҳам хабар берасанми? Ақалли совчиликка борардим.

- Совчиликнинг кимга кераги бор, ойи? Ёшлар бир-бирига ёқса бўлди-да, - чўрт кесди Саид.

- Ў-ў, фикрлашинг ҳам шаҳарликларникидек бўлиб кетибдими? - деди Мурод. Сўнг вазиятни юмшатиш учун ҳазиллашди. - Қўяверинг ойи, тўғри қилади, мана мен келинингизни кўрмасдан олганим учун ҳали ҳам афсусланаман.

- Ҳа, майли, охири бахайр бўлса бўлгани. Тўй яқин деяпсан, ҳовлимизни бироз эпақага келтириб, келин учун уй тайёрлаб қўяйлик бўлмаса...

- Кераги йўқ, ойи! Тўй Тошкентда бўлади. Ундан кейин, мен ўша ерда яшайман. Қизнинг уйида.

- Нималар деяпсан? Кетган кунингдан кутдим, энди ўлгунимча кутаманми? Бир-икки йил шаҳарда ишимни йўлга қўйиб олсам, бутунлай қишлоққа келаман, бу ёғига ёнингизда бўламан, деб кўнглимни пуч ёнғоққа тўлдирган экансан-да?

- Тушунинг, Тошкентда қолмоқчи эканимнинг сабаби фақат бу эмас. У ерда яхши ишга жойлашганман. Бошқа бундай жойни тополмайман. Мен ҳам сизлар билан яшашни хоҳлардим, сизлар ҳам мен билан бирга шаҳарда яшай қолинглар.

- Йўқ, болам. Мен отанг ўтган жойни чироғини ўчиқ ташлаб кетолмайман.

Мурод нима дейишини билмас, асаблари таранглашган эди. Ҳовлига чиқиб тамаки тутатди.

Тўй жуда дабдабали ўтди. Қишлоқдан келганларнинг ҳаммасини оғзи очилиб қолди. Зебо холанинг иккита кўрпачаю, тўртта кўрпаси кўзга ҳам кўринмай кетди. Тўйдан сўнг Зебо хола ва унинг ўғли Мурод қишлоққа қайтишди. Янги келин-куёв эса шаҳарда яшай бошлашди.

Саид янги қариндошлар орттиргани шарофати билан обрў, мансаби ҳам ошгандай бўлди. Туғилганидан бери шаҳар тупроғини ялаб келаётган тошкентликлар ҳам унинг соясига салом берарди. Саиднинг мансаби ўзгариши баробарида табиати ҳам ўзгача тус олди. У одамларга буйруқ беришни, мағрурликни ўрганди. Фақат уйидаги “иккинчи ота-онаси” ва Умидага эҳтиёт бўлиб муомала қиларди. Уйланганига икки-уч ой бўлиб қолди-ю, лекин ҳали бирор марта қишлоққа боргани йўқ. У ерда қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари бор, келинни кўрсатиш керак ахир. Умидани қишлоққа боришга аранг кўндирди. Ўшанда Мурод Саид қишлоққа келгач, биринчи унинг оёғи тагига қўй сўйди. “Сарой”га ўрганиб қолган Умида эса кўзига кулбачадек кўринган қишлоқдаги уйларга ажабланиб қарашдан ўзини тиёлмасди. Дастурхонга ўтирганда ҳам бирор нарсага қўл урмас, молларнинг узун-қисқа маърашлари қулоғини қоматга келтирарди. Овсини чопиб-чопиб хизмат қилаётганда, у бирор ишга аралашмади (балки буни билмагандир ҳам).

Умида қишлоқ ҳаётига ўрганолмади. Бир кун ўтгач “кетамиз”, деб туриб олди. Саиднинг бошқа иложи қолмай, қишлоқдагилар билан хайрлашиб ортга қайтишга мажбур бўлди. Кетиш олдидан “йўқ” дейишларига қарамай “ишлатиб турарсизлар”, деб онаси ва акасига озроқ пул берди.

- Қишлоқ ёқмадими, Умида? - сўради Саид шаҳарга келгач.

- Нега энди? Ёқди. Жуда ёқди. Сизга ҳам отамнинг орқасидан топган пулларингизни қўшқўллаб онангизга тутқазиш ёқса керак-а? Ўзингиз меҳнат қилиб топган бўлсангиз экан, саховатпешалик қилсангиз.

- Қачон отангни орқасидан пул топибман? Мен ҳамма нарсага ўзим эришганман.

- Ўзингизни билмаганга олманг. Отам бўлмасалар, қаерда эди сизга шунча иззат-икром? Мансаб, машина. Тағин ўзим эришганман, эмиш. Аввалги юришингиз билан қишлоғингизда эшак-арава ҳам ололмасдингиз.

Саид ўйланиб қолди. Ростдан ҳам у ўзгалар орқасидан кун кўраяптими? Яқин кунлардаги эришган ютуқлари, охирги пайтларда бировга бурнидан баланд гапирса, жавоб қайтариб улгурмасдан, атрофда пичир-пичир бошланиши, ортиқча гап айтган одамни “Одилхон аканинг куёвлари” деб огоҳлантириб қўйишлари, умуман ўз исми одамлар орасида байрам кийимларидек камдан-кам ишлатилиши ва янги “унвон” ҳаммани эсанкиратиб қўйгани бир-бир кўз олдидан ўтди. Ҳаммасига ўз кучим билан эришаяпман деган ўйи пучга чиққанлигини англаган Саид шу онда шаҳардан бош олиб чиқиб кетгиси келди. Лекин бу ердаги осуда ҳаёт, яхши шарт-шароит, ишхонадаги обрў-эътиборни қишлоқни чангитиб, иш тугамайдиган туғилган уйида тер тўкиб юришига алмаштира олармиди? Саиднинг ёдига ўсмир ёшларида онаси жуда кўп айтадиган сўз тушди: “Йигит кишига омад бир маротаба келади. Агар қўлдан бой берса, бошқа қайтиб келмайди”.



У сохта обрўни омад ҳисоблаб, маҳкам тутди.

Озгина вақтга келиб кетган ўғлини тушида кўргандек бўлган онаизор унинг кейинги келишини кутишга маҳтал бўлди. Бир ҳафта-ўн кун ўтгач, Муродга укасини кўриб келишини айтди. Муроднинг хотини Ноила ҳам тили бурроликда овсинидан қолишмас экан. Муродни укаси олдига бориб келмоқчилигини эшитиб, у ҳам нағмасини бошлади:

- Сиз ёш боламисиз? Нега унинг кетидан югуришингиз керак? Ўзи шу ерда яшасин эди. Хотинини қаранг, келди-ю кетди. Менам юрган эканман-да, уйингларга жонимни фидо қилиб.

- Сен ундан ўрнак олма.

- Мен ундан ўрнак олмайманку-я, лекин сиз укангиздан ўрнак олсангиз бўларди. Саид хотинининг қўлини совуқ сувга урдирмасдан тўғри қилади. Ҳамма сизга ўхшаган эмас. Сиз ким нимани буюрса ўйлаб ҳам ўтирмай бажараверасиз. Майли, бу сафар ҳам онангизни айтганига кириб укангизга қуллуқ қилаверинг-чи, охири нима бўлар экан?

“Аёл макри - қирқ туяга юк бўлар”, деганларидек, Мурод хотинининг заҳар томадиган гапларини мутлақо тўғри деб ҳисоблади. Эрталаб нонушта устида Зебо хола яна Муроддан укасини кўриб келишини сўради.

- Тошкент яқин жой эмас, ойи. Мениям бу ерда ишларим қалашиб ётибди.

- Уни соғиндим, нуқул тушимга киради. Мен боролмайман, сен хабар олиб, аҳволини менга айтсанг, бироз кўнглим тинчирмиди дегандим.

- Ўзи нега кетишига рози бўлгансиз? Бошидаёқ “йўқ” дейиш керак эди унга. Мен ҳам ахмоқ эмасман, ҳа деб кетидан борадиган.

- Сен каттасан, ўғлим.

- Доим шунақа дейсиз. У ҳам ёш бола эмас-ку.

Зебо хола кўзидан шашқатор оқиб тушаётган ёшларининг енгининг учи билан артди. Буни кўрган Мурод:

- Ойи, барибир кўндиролмайсиз. Мен ҳеч қачон катта бошимни кичкина қилиб, унинг олдига бормайман.

Онаизорнинг кутишдан бошқа иложи қолмади. Бу орада она шўрлик касал бўлиб, тўшакка михланиб қолди.

Уч-тўрт ойдан кейин Саид келди. Ишдан чиқиб келаётгани учун кўриниши олдингидан ўзгача эди. Эгнига хорижнинг қимматбаҳо костюм-шимини кийиб олган, бўйнида антиқа бўйинбоғ. Оёғидаги учи ялтироқ туфлисига чанг юқтирмаслик учун қаердан юришни билмай ҳалак. Йўлдалигида гугурт қутисидек келадиган чўнтак телефонига бир неча бора сим қоқишгани учун келиши биланоқ уйидагиларга: “Икки соатдан кейин кетаман”, - деб қўйди. Зебо хола ўғли келганини кўриб, бетоблигини ҳам унутди. Бир пиёла чой устида у ёқ - бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди. Бироқ ака-уканинг суҳбатида олдингидек самимийлик сезилмасди. Бироз ўтгач Зебо хола гап бошлади:

- Отанг вафот этганида биринг ҳали ёш бола, биринг эса чақалоқ эдинг. Отанг тирик бўлганида сенларни ўзи тарбиялаган, ҳозирги кунингни кўриб суюнаётган бўларди, раҳматли. Отангни руҳини шод этиш мақсадида одамларни тўплаб, худойи ўтказишни анчадан бери кўнглимга тугиб юрардим-у, ҳеч имкон топилмасди. Шароитларинг кўтарса, шу ишга бел боғласак дегандим. Мениям нафақадан йиғиб қўйганим бор.

Саиднинг ёдига пулни қайнотаси орқали топаётгани, буларнинг ўз ўлчами борлиги тушди ва онасига юзланиб:

- Нафақангиз нима бўларди? Ҳаммасини сен қилиб бер, деб очиқ айтиб қўя қолинг. Менам айтиб қўяй, шаҳарда яшашни ўз қаричинглар билан ўлчаманглар. У ерда ўйнаб юрганим йўқ, пул оқиб келмаяпти сизларга чиқариб бераверсам.

Муроднинг ғазаби қайнаб кетди:

- Сени одам қилган ким? Энди берган уч-тўрт сўмингни миннат қилаяпсанми? Сен менга нима қилиб қўйдинг?

- Нима қилишим керак эди? Қарзим борми сенлардан?

Умрида бир-бирига қаттиқ сўз айтмаган ака-укаларнинг етти маҳаллага эшитиладиган қилиб уришаётганларини кўриб Зебо холанинг касали хуруж қилиб қолди. Бирданига ранги оқариб, кўз олди қоронғулаша бошлади. Фарзандлари унинг аҳволини пайқашмади ҳам. Улар ҳали ҳам гап талашиш билан овора эди. Унинг аҳволини келини кўриб қолиб, югуриб олдига борди. Зебо холанинг киприклари нам, очиқ кўзлари бир нуқтага қадалган, лабларидан бирор нарса айтишга тараддудлангану айтишга улгурмай қолганини пайқаш қийин эмасди.

- Ойи, ойижон, ўзингизга келсангиз-чи, ойи...

Тонгни кўриш Зебо аяга насиб қилмади. Ҳаётидаги иккинчи қора тонгни кўриш...

**Дурдона АЛИМОВА,**
**Тошкент.**

# АФАНДИНИНГ УЗРИ

Турмуш сабоқлари

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов ширинсухан, одамлар билан гаплашишни яхши кўрадиган инсон эди. Бир куни домла "Афандининг узри" деган бир ривоятни гапириб берди.

Қадимда бир подшоҳ бўлиб, унинг хос масхарабози бўлган экан. Масхарабознинг вазифаси ҳар доим подшоҳнинг кўнглини, кайфиятини кўтариб юришдан иборат экан. Бир куни подшоҳ ўз малайининг нималарга қодир эканини бир синаб кўрмоқчи бўлибди ва унга шундай шарт қўйибди: "Сен шундай бир иш қилгинки, сўраган узринг қилган ишингдан ҳам ёмон бўлсин..." Подшоҳ амри вожиб - масхарабоз кўп ўйланибди ва охири бунинг уддасидан чиқибди. Подшоҳ кечаси қоронғи, тор йўлакдан ўз ётоқхонаси томон ўтиб бораётган экан, масхарабоз орқасидан келиб, уни маҳкам қучиб олибди. Табиийки, подшоҳ ниҳоятда дарғазаб бўлибди: "Бу нима қилиқ?" деб бақирибди у. "Узр, олампаноҳ! Мен сизни хотинингиз, деб ўйлабман"...

Бу ривоятни эшитганимга ҳам йигирма йилдан ошибди. Орадан йиллар ўтди, ҳаётимда ҳар хил воқеаларга, ташвишларга, турфа одамларга дуч келдим.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз шеърияти билан қизиқиб, уни кирилл имлосига кўчириш ишлари билан банд бўлиб юрган пайтларим эди. Бир куни ҳамкасбларимдан бири мендан тайёрлаётган илмий ишимни уч кунга бериб туришимни сўради. Мен содда кўлёзмамни бериб турадиган бўлдим. Бироқ олимнинг гап сўнгида: "Буни устозингизга айтмай кўя қолинг", деган илтимоси менга ғалати туюлди... Бу ҳақда яқин бир ҳамкасб опамга айтганимда, у: "Нима учун ойлаб тер тўкиб қилган меҳнатингизни бировнинг қўлига беришингиз керак? Шарқшунослик институтига ўзи борсин, тер тўкиб ишласин, эълон қилинмаган кўлёзмани бировга бермаслик керак..." - деди.

Мен икки ўт орасида қолдим. "Йўқ", десам... Ҳали бу даргоҳда янгиман. У ёш олимларнинг раиси, эртага ишим тушадиган одам. Бунинг устига: "Майли", деб ваъда бериб қўйдим. Ҳар бир нарсани илмий раҳбаримнинг кузатувида ёзиб, рухсати билан матбуотга берардим. Домлага билдирмасдан қилинаётган иш юрагимни ғаш қиларди. Бир-икки кун у-буни баҳона қилиб, кўлёзмани олиб келмадим. Охири сўрайвериб жонимга тегди, олиб келишга мажбур бўлдим.

Соддалигим шу жойда менга жуда панд берди. Орадан бир ҳафта ҳам ўтмасдан бу одам газетада шу кўлёзмадан фойдаланган ҳолда катта бир мақола эълон қилди. "Мақолани ўқидингизми? - деб сўради мендан кўлёзмани бермасликни маслаҳат қилган ҳамкасбим. - Ўзбошимчалик қилиб, ўзингизга шунча панд бердингиз. Майли энди, бўлари бўлди, бундан кейин пишиқроқ бўлинг". Ҳали буниси ҳолва экан. Бир йиллик меҳнатимнинг маҳсули - Феруз шеърларининг сайланма нашри қўлимга теккач, хурсандликдан осмонда учиб юрган пайтларим эди. Ҳамкасбларим орасида ҳам обрўйим бир поғона ошгандек, ниҳоятда шод эдим. Эрталаб ишга келсам, илмий раҳбарим мени ўз олдига чақириб: "Бугунги "Адабиёт ва санъат" газетасини олдингизми?" - деб сўради. "Йўқ", деган жавобимга: "Нашриёт қўлингизга қанча китоб берган?" - деб қайта савол берди. "Еттита", - дедим. "Кимларга бергансиз?" Бир-икки катта домлаларнинг исмларини айтдим. Домла жим турди-да: "Мана буни ўқиб чиқинг",-деди газетани менга узатиб. Мен ўзимнинг хонамга кирдиму, газетага кўз ташладим. Водариғ, унда мендан кўлёзмани сўраб олган олимнинг китобимни танқид қилиб ёзган мақоласи чоп этилганди. Мен шошиб пишиб уни ўқиб чиқдим. Бундай пасткашликни ҳаётимда биринчи бор кўриб туришим эди. Мақола жуда шошма-шошарлик билан ҳали китоб нашр этилмай туриб, ўз қўлим билан берилган кўлёзмани таҳлил қилиш асосида ёзилган эди. Унга кўлёзмани бераётганимда: "Бу охирги вариантими?" - деб сўраганди. "Ҳа!" деганимдан қаноат ҳосил қилиб, кўлёзмадаги бир-иккита имло хатоларини асос қилиб китобни танқид қилганди. Бироқ унинг хабари йўқ эдики, кўлёзма яна бир олим томонидан кўздан кечирилган. Кўлёзмани нашриётга топшираётган пайтимда куюнчак бир ҳамкасбим, фидойи олим Алимулла Ҳабибуллаев: "Қани синглим, менга ишингизни беринг-чи, бир кўриб берай, бу шундай қийин ишки, қанча синчиклаб текширсангиз ҳам барибир хато ўтиб кетаверади", - деганди.

Мақола эгаси танқид остига олаётган хатоларни китобда тўғриланган эди. Кўнгли беғубор одамни яратганнинг ўзи қўллаб-қувватлар экан. Мен мақолани олиб, домламнинг олдига кириб, воқеани айтдим. Домлам: "Мендан бемаслаҳат яхши иш қилмабсиз. Бу сизга бир сабоқ бўлсин, бундан кейин ҳар кимларга ишонаверманг", - деб танбеҳ бердилар. Шу куни танқидчи ҳар доимгидек катта портфелини кўтариб, хонага виқор билан кириб келди. Унга қайрилиб қарамадим, саломлашмадим ҳам. Мендан садо чиқмаганидан сўнг у бир куни ёлғиз ўзим ўтирган пайтимда хонага кириб:

- Гулсара, сиз мендан хафасиз, биламан. Мен шу мақолани ёзишга мажбур бўлгандим, - деди.

- Ие, ким сизни мажбур қилган эди? - дедим кутилмаган бу гапдан.

- Хотиним сиздан рашк қилавериб, ўзиниям, мениям еди, - деди у мунғайган ҳолда.

- Э, бу гапингиз жуда қизиқ бўлди-ю, қанақа рашк? Ҳеч қаерда ҳеч гап йўқ, сиз билан шунча вақт бирга ишлаб, бирон марта ёлғиз гаплашиб кўрмаган бўлсам? Нимага рашк қилади? - ўзимни тутолмай унга қаттиқ гапира бошладим.

- Менинг ҳам жонимга тегди, - деди у жуда тушкун ҳолатда. - Ҳозир ҳам қон босими ошиб, касалхонада ётибди. Уйимиз ғалвадан чиқмай қолди. Тўғрисини айтсам, китобингизнинг мақтайдиган жойлари кўп, бироқ мақтолмадим, - деди уялмасдан.

- Олий даргоҳда қандай қилиб ёшларга дарс беряпти аёлингиз шу даражадаги кир кўнгли билан? Оилангиз ноаҳил бўлса, аламини бировлардан олманг-да. Аслида худо феълларингизга яраша тақдир берган экан, сизларга, - дедим.

Тўғри, ўтиб кетган гапларни кўзғаш билан энди ҳеч нарса ўзгармайди. Бировнинг юз марта қилган яхшилигини унутиш мумкин экану, аммо бир марта қилинган ёмонликни эсдан чиқариб бўлмас экан.

Тавба! Бу кишининг қилган ишидан ҳам сўраган кечирими кўнглимни оғритди. Унинг бу иши менга худди юқорида ҳикоя қилганим афандининг узрини эслатди.

Кечирмаслик ёмон, уни кечирдим. Аммо бу мунофиқлик эсимга тушса, ҳанузгача юрагимга оғриқ киради. Ким бўлишидан қатъий назар, барчага инсоф берсин.

Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи



# ВАФОДОР ДЎСТИМИЗ ЭДИ

Ажойиб ҒАРОЙИБ

Бундан 10-12 йиллар муқаддам оппоқ урғочи итимиз бўларди. Жудаям вафодор, қолаверса, болажон, садоқатли эди. У баъзан уйюмушларимизга ҳам ёрдамлашарди. Ўчоққа ўтин олиб келсак, у ҳам бизга эргашиб, оғзида ўтин тишлаб келтирар, сувга чиқсак ҳам йўлда ётган чўпми ёки хасми олиб қайтар, хуллас, "қуруқ қайтмасди". Болалаган мушугимизга ҳам беминнат энагалик қиларди. Унинг ҳам ўзига хос характери бор шекилли, негадир бизникига бот-бот келиб турадиган, биздан бир кўча нари яшайдиган гапга чечан, шаллақи хотин Қундуз опани ёқтирмас, унинг қорасини кўрди дегунча вовуллашга тушарди. Иложи бўлса уйга киритмай аксинча, анча жойгача кузатиб қўярди. Қундуз опа бир гал келганида мушук болаларидан бирини танлаб, олиб кетмоқчи бўлди. Она мушук бунга унчалик ҳам эътибор бермади-ю, аммо итимиз унга қараб ҳура бошлади.



Жажжигина мушукча Қундуз опанинг қўлида тинимсиз миёвларди. Итимиз шунчалик ёпишдики, опа ноилож мушукни ерга қўйди. Она ит мушукчани оғзида охисталик билан тишлаб ўз онаси олдига олиб бориб қўйди. Мушукча опа-укалари билан онасини эма бошлади. Орадан бир кун ўтиб, ўз-ўзидан ўша мушукчамиз йўқолиб қолди, роса изладик.

- Изламанглар, уни Қундуз олиб кетди,-деди онам.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кечга томон итимиз мушукчани оғзида тишлаб дарвозадан кириб келди. Уни ерга қўяр экан, мушукчанинг қулоқларидан, тумшуғидан ялаб бизга ялтоқланиб қаради.

Бу орада уйимизда укамларнинг суннат тўйи бўлди. Узоқ тумандан юк машинасида меҳмонлар келишди. Гапгап билан улар вафодор итимизни олиб кетадиган бўлишди. Тўй тугагач, отам итимизни зўрға қопга солиб машинага жойладилар. Ўшанда унинг жонсараклигини бир кўрсангиз эди. Машина силжиди. Уни ортидан кузатиб қолдик. Ундан қолган кучук бола эртасига онасини жуда қўмсади. Осмонга қараб ув тортарди. Ўша куни сут, гўшт бериб уни зўрға аврадик. Неча маротаба кўчага чиқиб келди.

Эрталаб кичкина укам Акмалнинг қийчувидан уйғониб кетдик.

- Ур-рей, кучугимиз келибди, ур-ре, яша...

Ростдан ҳам бизнинг итимиз! Ҳаллослаганча тилини осилтириб, пойгакда оёқларини олдинга қилиб турарди. Атрофида жажжи боласи парвона. Мени кўра солиб, икки қўлини елкамга қўйиб, сўлакли тили билан юз-кўзимни аралаш ялай бошлади. Отам кулиб:

- Оббо, ити тушмагурей, 160-170 километрни босиб, ўз уйини топиб келибди-я, қойил,-десалар, момом:

- Ит ўз уйини ҳид олиб топаркан. Тумшуғи унга йўл кўрсатувчи экан. Мушукнинг йўл кўрсатувчиси эса думи экан.

Йиллар бир-бирини қувиб ўта бошлади. Охирги кунларда негадир кекса итимиз ҳеч нарса емай қўйди.

Ўзини олиб қочиб ҳовлимиз этагидаги хароба катакхонани ўзига кўним қилиб олди. Эрта-ю кеч бир нуқтага тикилиб ётарди. Унга раҳмимиз келганидан бутилкага сўрғич жойлаштириб оғзига мажбуран сут қуямиз. Бир-икки ютинадию, юборган сутимиз милкларидан оқиб тушади.

Момомга айтсак:

- Яхши ит ўлимини билиб, эгасига ўлигини кўрсатмас эмиш. Ундан розилик сўраш керак,- деб ундан розилик сўрадилар. - Биздан рози бўлгин, жонивор. Биз сендан розимиз, бизга яхши хизмат қилдинг. Сендан ёдгор бўлиб боланг қолаяпти.

Биз ҳам гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай ундан розилик сўрадик. Кечга бориб жони узилди. Уни оппоқ матога ўраб дарё бўйига олиб тушдик. Чунки, дарёга тушса, роса сакраб юрарди, яхши кўрарди бу жойларни. Уни катта юлғунзор тагига кўмдик.

Буни қарангки, онасини сўнгги йўлга кузатаётганини билган боласи-бечора итимизнинг кўзидан ёш қуйиларди. Унинг оғзида чўп кўрдик. Чўпни онаси қабри устига қадаб қўйдик.

Зебинисо ҒАФФОРОВА.

**Эркаклар қандай аёл ўзларига бир умрлик ёр бўлишини исташади? Қуйидаги мақолада таърифи келтирилган ўнта сифатга эга бўлган аёл ёки қиз ҳаётда ҳар қандай эркакни бахтли қила олади, дейишмоқда руҳшунослар.**



# ЎЗ ЖУФТИНИ ИЗЛАБ

**1. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭРКИНЛИК.** Бугунги эркаклар одатда мустақил фикрлайдиган ва қарорлар қабул қила оладиган ҳамда эркин бўлган аёлларни ёқтиришади. Чунки улар бир умр ёнидаги аёлни энагадек йўл кўрсатиб етаклаб юришни хоҳлашмайди. Тўғриси, мустақиллик ва эркинлик деганда бетгачопарлик қилиб, эрининг бир гапига ўнта гап билан жавоб қайтаришни, билганимни қиламан, дейишни тушунмаслик керак. Бундай ўйлайдиган ҳар қандай аёл хато қилади ва бир куни оиласи албатта бузилиб кетиши тайин. Оилавий ҳаётдаги турли масала ва муаммоларни ҳал этишда ўз фикрига эга бўлган, жамиятда рўй бераётган воқеаларга бефарқ қарамайдиган аёл билан яшаш ҳар қандай эркакка ҳузур бағишлайди.

**2. АҚЛ ВА ФАРОСАТ.** Ҳаётингиз тўкис ва мазмунли бўлиши учун умр йўлдошингизнинг ўз фаҳм-фаросати, ақли билан сизни лол эта олиши ҳам муҳимдир. Бундай аёл билан суҳбатларингиз фақат рўзғорда нимадир тугагани-ю, нимадир харид қилиш зарурлиги ҳақидаги гап-сўзлардангина иборат бўлмайди. У сизнинг ишдан келишингизга бир дунё муаммоларни тайёрлаб ўтирмайди. Аксинча у билан гурунгларингиз ҳам бир-бирингизга бўлган ишонч ва муҳаббатларингизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**3. ЧИРОЙ ВА НАФОСАТ.** Момоларимизнинг, оналарнинг турмушга узатаётган қизларига қарата айтадиган: "Эрингнинг ишдан келишига кийим-бошингни тартибга солиб, пардоз-андозингни жойига қўйиб, хушбўй атирлардан сепиб олишни унутма!" қабилидаги ўгитлари бежиз эмас. Ҳар бир эркак аёлининг уйда ҳам, кўчада ҳам чиройли, нафосатли, ибо-ҳаёли бўлишини, айниқса тўй-ҳашам ва меҳмондорчиликларга борганда шу жиҳатдан ўзини намоён этишини исташади.

**4. ЭРНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ.** Эрининг ҳурматини жойига қўядиган аёл ҳеч қачон уни камситмайди, айниқса бегоналар, яқин қариндошлар ёки фарзандлар олдида унга овозини баландлатиб гапирмайди. Гарчи эрининг баъзи бир фикрлари ёки хатти-ҳаракатлари ёқмаса ҳам бунга нисбатан кўпчиликнинг олдида эътироз билдирмайди. Бундай масалаларни ёлғиз қолишганда муҳокама этишга интилади.

**5. НАЗОРАТ ҚИЛИШГА УРИНМАСЛИК.** Эрининг ҳар бир босган қадамини назорат қилишга уринадиган аёл яхши англаб олсинки, бундай оилада парокандалик, ишончсизлик, бир-бирини тушунмаслик ҳолатлари юзага келади. Эрига нонушта, тушлик ва кечки овқат маҳали нима ейиши мумкин-у, нималар мумкин эмаслигини ҳар куни қайта-қайта уқтиришдан чарчамайдиган, унинг дўстлари билан чойхонада гурунг қилишига, дам олиш кунлари балиқ овига ёки табиат қўйнида дам олишга боришига қарши чиқадиган аёл турмуш ўртоғини оиладан бездириб қўяди. Обид Асомовнинг бир ҳангомасида айтилганидек, эр ишдан уйга эртароқ келса, аёли: "Ҳа, бугун жувонмарг ўлгур ўйнашингиз эртароқ жавоб бериб юбордими?", кечга қолса, аксинча: "нима, бугун эртароқ қўйвормадими?", кўчадан овқатланиб келса, "қорнингизни тўйдириб жўнатдими?", ишдан келиб овқат сўраса, "ўша хонимчангиз овқат қилиб бермадими?" деб асабни эговлаб турса, бир кун келиб ҳар қандай эркакнинг "портлаши" тайин.

**6. БЎЛАР-БЎЛМАСГА ТЕРГАЙВЕРМАСЛИК.** Аксарият аёллар: "Эримни тез-тез тергаб турсам, ўз вазифаларини, оиламиз ва менинг олдимдаги бурчларини унутиб қўймайди", деб ўйлашади. Аслида бу унчалик ҳам тўғри фикр эмас. Чунки бундай аёллар арзимаган, майда-чуйда нарсалар учун ҳам тергайвериб эрини безор қилиб юборишади. Ақлли аёл эрининг айрим хатти-ҳаракатларини қачон тергашни-ю, қай маҳал уларни эътиборсиз қолдиришни яхши билади ва бунинг ўзи учун ҳам, оиласи учун ҳам яхши эканлигини англайди.

Азиз эркаклар, энди қуйидагича ҳолатни тасаввур қилинг: бирор сабаб билан уйга жуда кеч қайтдингиз ёки келолмай қолдингиз. Аммо бу ҳақда аёлингизга қўнғироқ қилиб огоҳлантирмаган эдингиз. Уйга келганингизда аёлингиз сизга "қаерларда юрибсиз?" деб бир оғиз гапириб ҳам қўймади. Бундай эътиборсизликдан хурсанд бўлиб, дўппингизни осмонга отишга шошилманг. Аксинча, бу ҳол сизни ташвишлантириши керак. Чунки хотинингиз сизга мутлақо бефарқ бўлиб қолганга ўхшайди.

**7. ҲАМОҲАНГЛИК.** Интим муносабатларда ҳам қизиқиш ва қарашларнинг ўзаро мос ва мутаносиб бўлиши ҳам муҳим. Бу мавзуда эмин-эркин гаплаша олиш ҳам сизларни ўзаро яқинлаштиради.

**8. ОТА-ОНАНГИЗ ВА ДЎСТЛАРИНГИЗ БИЛАН ЯХШИ МУНОСАБАТДА БЎЛАДИ.** Эрини ҳурмат қилган аёл албатта унинг ота-онасини, яқинларини ва дўстларини ҳам ҳурмат қилиши керак. Қайнонаси билан кунига ади-бади айтишадиган, эрининг қариндошлари ёки дўстларига ёвқараш қилиб, уларнинг олдида ўзини қўпол тутадиган аёлга ҳаётда осон бўлмаслиги аниқ. Оиласини ҳар томонлама саришта тутадиган, оилавий борди-келдиларга бефарқ бўлмаган аёлларга эса ҳар доим омад ва бахт кулиб боқаверади.

**9. СЕВГИСИ СОФ ВА БЕНАЗИР.** Сизни чин дилдан севадиган, ютуғу камчиликларингизни, яхши-ёмон томонларингизни борича қабул қиладиган аёлни топиш осон эмас. Агар аёлингиз сизни чиндан ҳам севса, у сизни ўзгартиришга интилмайди. Кўчадан, ишдан уйга қайтганингизда хушмуомалалик, хурсандлик билан, кўзлари қувончдан порлаб кутиб олади.

**10. СИЗГА ЯХШИ БЎЛИШИНИ ИСТАЙДИ.** Юқорида айтганимиздек, у бунинг учун сизни ўзгартиришга ҳаракат қилмайди. Аксинча, у ўз ҳаракатлари, кўз қарашлари билан у ёки бу хатти-ҳаракатингиз, ишларингиз, характерингизни ўзгартиришингизни истаётганини билдиради.

## ТАБАССУМ ВА ХАРАКТЕР

**Эркак ва аёлнинг табассумига ёки қандай кулишига қараб характерини билиб олиш мумкин экан.**

**Аёл кулаётиб, лабига жимжалоғини теккизиб турса,** билингки, у ҳамманинг диққат марказида бўлишга интилаяпти ва атрофдагиларга эътирозлари ҳам йўқ эмас.

**Суҳбатдошингиз кулаётганида оғзини кафти билан тўсса,** бу ҳол аёлнинг камтарлигини ва қатъиятли эмаслигини англатади. Унинг одамлар билан тил топишиб кетиши осон бўлмайди.

**Аёл кулганда бошини орқага ташласа,** бу унинг ишонувчан, кўнгли очиқ, баъзилари эса салгина енгилтакроқ ҳам эканлигидан далолат беради. У гарчи ҳиссиётга берилувчан бўлса-да, ақл билан иш кўришга мойил.

**Аёл бошини ушлаб кулиш одатига эга бўлса,** аниқки, у романтик ва хаёлпараст шахс. Унда мулоҳазакорлик, ҳаётга ақл кўзи билан қараш ҳислари етишмайди.

**Аёл кулаётиб, бурнини тириштирса,** билингки, у жозибадор бўлса-да, ўта инжиқ ва қизиққон. Унинг кайфияти ҳар дақиқада ўзгариб туради.

**Эркак очиқчасига ва мазза қилиб кулса,** айниқса, бунда кўзлари қисилиб кетса, билингки, у беқарор инсон. Ҳаётга, хусусан аёлларга ҳам енгил-елпи қарайди.

**Эркак оғзини катта очиб, хохолаб кулса,** у топқир, давраларнинг "жони" эканидан далолат. Аммо билим ва савиясини жудаям юқори деб бўлмайди.

**Суҳбатдошингиз оғзининг ўнг бурчаги билан киноятли илжайиб қўйса,** билингки, бу эркак қўпол, баъзида ҳатто жоҳил бўлиши ҳам мумкин. Ўз манфаати йўлида ёлғон ишлатишдан ҳам қайтмайди.



## ЭРКАК ВА АЁЛ: СИР-АСРОРЛАР

# СИЗ ЖОЗИБАДОРМИСИЗ?



Аёллар учун тест

***Қуйидаги тест гўзал аёлларимиз ва лобар қизларимизга ўзларининг қанчалик жозибадор, латофатли, йигитлар кўнглини ром этишга қодир эканликларини аниқлаб олишларида ёрдам беради.***

**1. Базмда кўркам нотаниш эркак (йигит) пайдо бўлди. Сиз нима қиласиз?**

**а)** унинг кўзларига қараб кулиб қўяман - 1 балл;

**б)** унга қарасам, қизариб кетаман - 2 балл;

**в)** уни диққат билан кузатаман-3 балл.

**2. Қуйидаги таърифлардан қай бири сизга кўпроқ мос келади?**

**а)** мен ҳар доим ўзимнинг ташқи кўринишимга эътибор бериб юраман - 1 балл;

**б)** ташқи кўринишимга эътиборсизман, мени қандай бўлсам, шундайлигимча қабул қилишсин - 2 балл;

**в)** бирорта эркак(йигит)га ёқишни истасамгина ташқи кўринишимга эътибор бераман - 3 балл.

**3. Узоқ вақтдан бери таниш бўлган эркак(йигит)ни, масалан синфдошингизни, хурсанд қилиш учун қандай йўл тутган бўлардингиз?**

**а)** қувонч бағишлаш учун нимадир совға қилиш шарт эмас - 1 балл;

**б)** озгина эътибор ҳам уни хурсанд қилади, деб ўйлайман - 2 балл;

**в)** ўзига хос, кутилмаган бир нима ўйлаб топаман - 3 балл.

**4. Семира бошлаганингизни сезиб қолсангиз нима қиласиз?**

**а)** шу ҳам муаммо бўлди-ю - 1 балл;

**б)** дарҳол парҳез тутаман - 2 балл;

**в)** бундан ташвишланаётганимни атрофдагиларга сездирмасликка ҳаракат қиламан - 3 балл.

**5. Базмда бирорта нотаниш эркак (йигит) сизга ёқиб қолса нима қиласиз?**

**а)** ундан "илгари учрашмаганмизми?" деб сўрайман - 1 балл;

**б)** дарров уни ром этиш йўлларини излай бошлайман - 2 балл;

**в)** воқеалар қандай ривожланишини кутиб тураман - 3 балл.

**6. Атрофдагиларга муносабатингиз қандай?**

**а)** Кайфиятим ёмон бўлса, буни атрофдагилардан яширмайман - 1 балл;

**б)** ҳар доим яхши кайфиятда бўлишга интиламан - 2 балл;

**в)** ҳис-туйғуларимни сездирмасликка ҳаракат қиламан - 3 балл.

**7. Атрофдагиларнинг сизга муносабати самимийми?**

**а)** билишимча, ҳа - 1 балл;

**б)** ҳар доим ҳам эмас - 2 балл;

**в)** йўқ, кўпинча иккиюзламачилик қилишади - 3 балл.

**8. Қандай ҳолатларда "севги" сўзини ишлатасиз?**

**а)** Севгилимнинг қулоғига шивирлаганимда - 1 балл;

**б)** бу сўзни камдан кам ишлатаман - 2 балл;

**в)** оддий сўз, деб ҳисоблайман - 3 балл.

**Балларингизни ҳисоблаб чиқинг.**

***8-15 балл.*** Сиз ҳар доим ҳам қарама қарши жинс вакилларига ёқавермайсиз, кўп нарса кайфиятингизга боғлиқ. Аммо сизда ўзига хос жозиба бор.

***Маслаҳат:*** ўзингизга ишонинг, қандай бўлсангиз, шундайлигингизча қолишга интилинг.

***16-24 балл.*** Гарчи анчайин ёқимтой бўлсангиз-да, доимо ўзингиздан ва ҳаётингиздан норози бўлиб юришингиз қарама қарши жинс вакилларининг сиздан сал нарироқда юришларига сабаб бўлади.

***Маслаҳат:*** кўпроқ табассум қилинг, ҳаётни борича қабул қилишни ўрганинг.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# УЗОҚ УМР СИРЛАРИ



## ОВҚАТДА ГАП КЎП...

***Инсон кексайгач, истеъмол қилаётган таомлари ҳам унинг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатади. Шу боис овқатланишни тўғри ташкил қилиш, кўпроқ ҳазми енгил озиқ-овқатларга урғу бериш зарур.***

● 70 ёшларга бориб овқатлар миқдорини 25-30 ёшдагига нисбатан 1/3 қисмга камайтириш, семириб кетмасликка ҳаракат қилиш лозим.

● Ҳар куни 4 марта овқатланиш зарур. Кечки овқатни эса уйқуга ётишдан 2-3 соат олдин еган маъқул.

● Бир кунлик истеъмолга мўлжалланган жами овқатнинг 25 фоизини нонуштада, 15 фоизини соат 11 атрофида овқатланганда, 35 фоизини тушликда, 25 фоизини эса кечки пайт ейиш тавсия этилади.

● Кекса кишилар жуда ҳам тўйиб овқатланишдан сақланишлари зарур. Ортиқча вазнга эга кишилар эса ҳафтада 1-2 марта ўзлари учун "енгиллаштирувчи кунлар" жорий этишлари керак. Аммо озишга уриниш ярамайди. Чунки кексаларда вазннинг кескин ўзгариши организмнинг турли касалликларга қаршилик қобилиятини сусайтириб юборади.

● Ҳайвон ёғларини имкон қадар камроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Масалан, сариёғни бир ўтиришда 5-6 граммдан кўп емаган маъқул. Мана шундай ёғларнинг бир кунлик миқдори эса 25 граммдан ошиб кетмаслиги лозим.

● Иложи борича ҳайвон ёғлари ўрнига ўсимлик ёғлари истеъмол қилиш зарур. Маргаринни фақатгина пишириқлар тайёрлашга ишлатиш керак. Мол ва қўйнинг ички ёғларидан эса бутунлай воз кечганингиз маъқул.

● Овқатга ишлатаётган мол ва парранда гўштингиз ёғли бўлмаслиги керак. Шунингдек, холестеринга бой бўлган жигар, балиқ увилдириғи, ичак-чавоқлардан ҳам воз кечиш зарур. Гўшт ва балиқни асосан қайнатиб, димлаб ейиш тавсия қилинади. Унинг бир кунлик миқдори 70-100 грамм бўлгани, ҳафтасига 1-2 донадан ортиқ тухум емаган маъқул.

● Кунига 300-400 грамм мева, 600-800 грамм сабзавотлар, турли кўкатлар, пиёз, саримсоқ, яшил нўхот, ловия еб туриш керак. Мева ва сабзавотлар таркибида мавжуд бўлган органик кислоталар танани холестерин ва хилтлардан тозалайди, қорин дам бўлишининг олдини олади, қабзиятни яхшилайди.

● Сабзи, ошқовоқ ҳамда цитрус мевалар таркибида каротин моддаси кўп бўлади. Шу боис айнан мана шу мева-сабзавотларга кўпроқ эътибор қаратишни маслаҳат берган бўлардик.

● Кунига кўпи билан 35 грамм шакар истеъмол қилиш тавсия этилади. Мураббо, шинни, конфет ва тортлар ўрнига, иложи бўлса, кунига 30 граммдан оширмай асал еб туриш мумкин.

● Кунига ёғсиз творог, сметана, қатиқ ва бошқа турдаги сут маҳсулотлари еб туриш ҳам фойдали.

● Суюқ овқатларни иложи борича гўштсиз тайёрлаш керак. Ҳафтасига 1-2 марта эса гўштли шўрва ичиш мумкин. Шунда ҳам ёғсиз гўшт ишлатиш ёддан чиқмаслиги лозим.

● Истеъмол қилинаётган тузнинг кундалик миқдорини 6-8 граммдан, суюқликларни(суюқ овқатларни ҳам қўшганда) эса тана оғирлигининг ҳар бир килограммига 20 миллилитрдан оширмаслик зарур. Чой ўрнига шарбат, компот, доривор гиёҳлар дамламаси ичиш керак. Агар юрак ёки буйрагингизда касаллик бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиб, ичиладиган суюқлик миқдорини камайтирганингиз маъқул.

● Имкон даражасида кепаги тозаланмаган жавдари ундан ёпилган нондан кунига 225-275 грамм ейиш тавсия қилинади. Тандирдан янги узилган иссиқ ноннинг эса кексалар организмига фойдасидан зарари кўплигини ҳам унутмаслик керак.

● Ёши 60 дан ошган кишиларга овқатлангандан сўнг кучли жисмоний ҳаракатлар қилиш мумкин эмас. Яхшиси, юмшоқ креслода ўтириб ёки ёнбошлаб ярим соат-бир соат дам олиш керак. Шундан сўнг одатдаги юмушлар билан машғул бўлиш мумкин. Тушлик овқатдан кейин эса 20-30 дақиқа ухлаб олса ҳам бўлади. Мутахассислар тушликдан кейинги қисқагина уйқу овқат ҳазм бўлишини яхшилашини таъкидлайдилар.

## ТАБИАТ БИЛАН ОШНО БЎЛИНГ

XX аср охирларига келиб инсоннинг ўртача умри 70-80 ёшга тенглашган бўлсада, 100 ёшдан кўп умр кўраётганлар ҳам оз эмас. Жумладан, Эроннинг Келюса қишлоғилик Саид Али исмли киши 195 йил яшаган. У хатто умрининг сўнгги йилларида ҳам кўзойнаксиз бемалол кўра олган. Озарбойжоннинг жанубий-шарқида жойлашган, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликдаги тоғли қишлоқ фуқароси Шерали Муслимов 168 йил умр кўрган. Тоғнинг табиий тоза ҳавоси ва тиниқ, соф булоқ суви, сут маҳсулотлари, кичкинагина томорқасида етиштирган мева-сабзавотлар асосий озуқаси бўлган бу қария то умрининг сўнгги кунларигача кетмон чопишни, моллар учун ўт ўришни канда қилмаган. Шерали Муслимов вафот этганда унинг кенжа қизи 30 ёшда эди.

Америкалик машҳур физиотерапевт Пол Брэгг турли мамлакатларда бўлиб, соғлом турмуш тарзи асосларини ўрганар экан, Туркияда 154 ёшли Зора Агха билан учрашади. Бу киши ёшлигида Истамбулдаги йирик темир йўл вокзалида ҳаммол(юк ташувчи) бўлиб ишлаган, кунига 12-14 соатлаб бири-биридан оғир юкларни ташиган экан. "154 ёшида ҳам унинг кўриш, эшитиш қобилияти ва жисмоний кучи ёш йигитларнинг ҳам ҳавасини келтирадиган даражада эди. Унинг бор-йўғи иккита тиши тушган, қолганлари эса садафдек оппоқлиги мени ҳайратга солди", деб ёзганди Пол Брэгг. Зора Агха овқатга умуман ҳайвонот ёғларини ишлатмаган, ҳафтасига 2 донадан ортиқ тухум истеъмол қилмаган. Умрида бир тишлам ҳам оқ нон, шакар ва қанд истеъмол қилмаган, бир хўплам ҳам спиртли ичимлик ичмаган. У қуёшда қуритилган қора нон, ёғсиз гўшт ва кўп миқдорда мева-сабзавотлар еган. У кунига 3-4 дона хурмо истеъмол қилган. Тоза сув ҳамда ялпиз дамламаси ичган.

Жанубий Американинг Анд тоғлари бағридаги қишлоқларда ҳам 100 ёшдан ошиб кетган қариялар жуда кўп. Англиялик тиббиёт профессори уларнинг узоқ умр кўриш сирини аниқлаш учун шу ерда 2 йил яшади. Кўрган ва эшитганлари асосида профессор узоқ умр кўриш дастурини яратди. Унга кўра:

● Мунтазам жисмоний меҳнат билан шуғулланиш;

● Ҳар куни маълум вақт боғ ва томорқада ишлаш;

● Имкон қадар кўпроқ пиёда юриш. Кунига камида 2 километр масофани пиёда босиб ўтишга ҳаракат қилиш;

● Спиртли ичимликлар ичмаслик, тамаки маҳсулотлари чекмаслик;

● Асабийлашмаслик, стрессли ҳолатларга тушиб қолмасликка интилиш;

● Қайнатилган, қовурилган, тузланган, консерваланган таомларни иложи борича камроқ истеъмол қилиш;

● Кўпроқ янги узилган ва табиий мева-сабзавотлар, кўкатлар ейиш;

● Таомнома гўшт маҳсулотлари имкон қадар кам бўлишига эришиш;

● Организм қанча талаб қилса, шунча ухлаш;

● Севимли машғулотга эга бўлиш;

● Тунд, кўрс ва қўпол, шунингдек қариликни бўйнига олиб тушкунликка тушган кишилар билан мулоқотда бўлмаслик;

● Ҳеч қачон қариликни бўйинга олмаслик.

***Мутахассислар узоқ умр кўришда жинсий ҳаётдаги мунтазамлик ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади. Хусусан, узоқ йиллик махсус тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳафтасига икки марта жинсий алоқада бўлиб туриш кишининг аслидан 14 йилга ёш кўринишига олиб келаркан. Бунинг боиси яқинлик пайтида организмда эндорфин номли махсус гормонлар ишлаб чиқарилар экан. Бу гормон тананинг турли касалликларга қаршилик қобилиятини кескин ошириши тасдиқланган. Қолаверса, жинсий алоқа пайтида ажралиб чиқадиган кортизон ва адреналин моддалар алмашинувини меъёрлаштиради.***

***Жинсий ҳаётни эрта тўхтатиб қўйган ёки бунга ярамай қолган кишиларда бош оғриғи, қон айланишининг бузилиши, асабийлик, уйқусизлик бошқаларга нисбатан кўпроқ кузатилади.***

***Америкалик олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, эр-хотин жуфтлиги барқарор оилалардаги эркак ва аёллар ёлғиз жинсдошларига нисбатан 5 йил кўпроқ умр кўришаркан. Турмушидан ажрашган эркаклар одатдагидан 3 марта кўп шифокорга мурожаат этишлари ҳам исботланган.***

**Д. ИБРОҲИМОВ** тайёрлади.

## АЖИНГА ЧАП БЕРИНГ...

● Тамаки маҳсулотлари чекманг. Чунки чекиш терини юпқа ва қуруқ қилиб қўяди.

● Дуч келган косметик восита ва кремларни юзга суртавериш ярамайди. Косметолог шифокор билан маслаҳатлашиб, айнан сизнинг теринингизга мос келадиган воситаларни аниқлаб олинг.

● Қуёш нурларининг юз терисига таъсир этишидан эҳтиёт бўлинг. Шуни унутмангки, қуёшда қорайиш терини тез қаритади.

● Юз терисига ишлов берганда эҳтиёт бўлинг, унинг тирналишига, тортилиб қолишига йўл қўйманг.

● Товуқ тухуми сариғини 0,5 чой қошиқ чаканда(облепиха) мойи билан аралаштириб, юзга ниқоб қилинади. Уни 20 дақиқа мобайнида ушлаб туриш керак. Бу ниқоб қуруқ терига мос келади.

● Салат кўкатининг бир тутамини майдалаб тўғраб эзғилайсиз. Сўнг 0,5 чой қошиқ чаканда мойи ва лимон шарбати билан аралаштириб, юзга ниқоб қиласиз. 20 дақиқадан сўнг юзни аввал қайнатилган илиқ сувда, сўнг совуқ сувда чайиб ташлаш керак.

● Кўзлар атрофидаги ажинларни кетказишда қайнатилган картошканинг эзилгани(пюреси)га юмшатиб қайнатилган ловия қўшиб ниқоб тайёрлаш яхши самара беради.

● 6-7 қошиқ ёғли кремни 0,5-1 чой қошиқ лимон шарбати ва 0,5 чой қошиқ қаймоқ билан аралаштирилади. Аралашма юзга сурилгач 20-25 дақиқадан сўнг лосьонга ботириб олинган пахта билан артилади.

● 2 ош қошиқ творог, битта тухум оқи, 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи билан аралаштирилади. Ушбу аралашма тозаланган юз ва бўйинга сурилади.

● Битта кўпиртирилган тухум оқига 1 чой қошиқ сабзи шарбати қўшиб, яхшилаб аралаштирилгач юзга сурилади. 25 дақиқадан кейин юз аввал илиқ сўнг, совуқ сув билан ювилади.Мабодо тери жуда таъсирчан бўлса бундай ниқобдан фойдаланмаган маъқул.

● 100 грамм малина докадан ўтказилиб, 2 ош қошиқ сут қўшилади. Докадан юз учун ниқоб кесиб (кўз, бурун ва оғиз учун тешиклар қолдирилади) олиб ушбу аралашмага ботириб олиб 15 дақиқа юзга қўйилади. Сўнг юз совуқ сув билан чайилади.

● Майда қирғичдан яримта олма чиқарилади. Унга 1 ош қошиқ асал, 1 дона тухум сариғи, 1 чой қошиқдан сирка, ўсимлик ёғи ва аскорбин кислотаси қўшилади. Бу ниқоб юзда 30 дақиқа тургач, совуқ сув билан ювилади.

*Ташрифлар.* ●●●●●● *Қўнғироқлар*




# ЁЛҒИЗЛИК ОҒИР...

- "Оила" бўлимига келгандим, ким билан гаплашсам бўлади, - деди хонамга кирган киши.

**- Мен билан гаплашасиз, қани, паспортингизнинг нусхасини узатинг,-дедим.**

- Ия, паспортти нима қиласиз? Мана, ўзим турибман-ку!

**- Тўғрику-я, лекин бизда қоида шундай-да. Паспортнинг нусхасини манови дафтарга тикиб қўйишим керак.**

- Э, синглим. Бунча бюрократ бўлмасангиз? Гапларимга ишонмайсизми?

**- Ажрашганингиз ҳақида паспортга муҳр қўйилганми ўзи?**

- Муҳр дейсизми? Ахир биз ҳали ажрашмаганмиз. Олти ойдан буён судлашиб юрибмиз. Ажрашадиган бўлсак... Очиғини айтсам ажрашганимиздан сўнг кўчада қоламанда. Чунки биз яшаётган ҳовлимиз ажрашсак иккига бўлиниши керак. Шунинг учун ажрашмай туриб биронта уйи бор хотин билан танишиб, шуникида яшаб турсам... Кейин бир гап бўларди-да.

**Мен эса ажрашмаганларнинг эълони чоп этилмаслигини айтдим.**

Хуллас, тортишганидан фойда йўқлигини билдими, ҳалиги киши хайр-маъзурни насия қилиб чиқиб кетди.

Тинмай жиринглаётган телефон гўшагини олдим.

- Чилонзордан қўнғироқ қилаяпман. Исмим Табассумхон. Ёшим 21-да. Сизга шахсий муаммом боис қўнғироқ қилаяпман.

**- Қандай муаммо экан, синглим?**

- Ҳамма гап шундаки келган совчилар мени кўриши билан айниб кетишади. Аслида келишган қизман. Лекин, бўйимнинг баландлиги 180 сантиметр, вазним эса 90 килодан ошиқ-да. Очиғини айтсам бўйи-бўйимга, кўринишимга муносиб бўладиган йигитлар учрамаяпти-да. Биттаси чиқувди. Бўйи мендан 30 сантиметр паст экан. Шундай бўлса ҳам уйланмоқчи бўлди. Аммо, йигит билан турганимни кўрган кеннойиларим устимдан роса кулишгач, унга тегишдан айнидим. Илтимос, ўзимдек паҳлавон бир йигит бўлса ... Манзилимни беринглар...

Бироқ у манзилини бермасдан гўшакни қўйиб қўйди.

Мен Табассум исмли бу қиз билан гаплашаётганимда эшикдан ҳассага суяган бир қария кириб келди. Кийимлари ғижим, кир ёқаларидан ингичка бўйни қилтиллаб чиқиб турганига қарамай негадир жуда хурсанд эди.

**- Хизмат, отахон? - дедим илтифот кўрсатиб.**

- Қизим! Ҳужжат чатоқ, ҳужжат! - дея тўнининг ичидан муқоваси титилиб кетган паспортини чиқариб узатди.

**- Бунинг нимаси чатоқ, ҳаммаси жойида-ку, 85 ёшда экансиз-да!**

- Ана, кўрдингми? Ахир мен эндигина 80 га чиққанман-да, - деган бўлса-да, у ҳужжатдаги ёшидан ҳам кекса кўринарди.

**- "Оила" бўлимига эмасмисиз, отахон? - дегандим, у кувониб кетди.**

- Ҳозир болалар, набиралар билан яшайман. Зерикиб кетаман, бир аёл бўлса... Сал ёшроқ, 60- 70 ларда бўлса ҳам майли,- деди отахон. Манзилини ёзиб олдим-да:

**- Отахон, сизбоп аёллар чиқиб қолса ўзим қўнғироқ қилиб айтаман,** - дегандим, узундан-узоқ дуо қилиб чиқиб кетди. У кетиши билан иккита басавлат эркак кириб келишди.

Улардан ёшроғи гапни чўзмай муддаога ўтиб қўя қолди.

- 78 чиққан отамиз бор. У киши жуда меҳнаткаш, жиддий инсоң. Бизни ҳам тарбиялаб, ўқитдилар. Отамизнинг шарофати билан ҳозир ҳаммамиз яхши жойларда ишлаймиз. Онамиз вафот этганлар. Лекин отамизни асло ёлғизлатиб қўйганимиз йўқ. Аммо... Кейинги пайтда бу қилаётганимиз камлик қилаётганини тушуниб қолдик, - деди у сўзини тугатиб.

- Йўқ, тўғрисини айтавер, Дилшод. Яқинда хотиним у кишининг ётоқхонасини йиғиштираётиб ёстиқнинг остида "Оила ва жамият" газетасининг бир нечта сонларини кўриб қолибди. Отам оила бўлимида берилган аёлларнинг эълони атрофини қизил қалам билан ўраб қўйибди. Биз эса уйланиш ҳақида у кишига гапиргани истиҳола қилаётгандик. Агар отамизга муносиб аёллар бўлса бошимизда кўтариб юрардик, - деди у умид билан...

**Азизлар! Юқорида "Оила" бўлимига келганлар билан бўлган мулоқотдан тўрттасинигина эътиборингизга ҳавола қилдик, холос. Қиссадан ҳисса чиқариш эса сизларнинг ҳукмингизга ҳавола.**

**БАСИРА**

**«Оила» бўлимининг телефони: 133-04-50**

*О, муҳаббат...*

# МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

**(Боши ўтган сонларда)**

Бу ҳам, албатта, катталарга тақлид эди. Аммо нима бўлганда ҳам биз орзу қилган ниятга етган эдик! Биз бахтиёр эдик! Бундан кейин бизнинг сўзлашишимиз ҳам, елкаларимизни тегизиб ўтиришимиз ҳам, ҳатто нафасларимизни ёноқларимизга пуркаб гаплашишимиз ҳам осон кўчди. Лабимни қулоқларига обориб гапиргим келарди! Билардим-ки, бу нарса унга ҳам жуда ёқимли эди! Шундан кейин биз келажак ҳақида, ким бўлишимиз тўғрисида гаплашиб ўтирдик. Гап орасида уларнинг оиласи билан бизнинг оиламиз, уларнинг турмуши билан бизнинг турмушимиз тенг кела олмаслигини айтдим. Буни айтиб қўйиш бурчим эканлигини билардим. Менинг Муяссарим эса: «Нима қилибди, ҳечқиси йўқ, у кунлар (Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида тасвирлаб берган кир ҳаёт, демоқчи)» ўтиб кетган»,-деди содда, самимий қилиб. Мен шу вақтгача фақат унинг «ўзини» севиб қолгандим. Ҳозирги сўзлари, фикр-ўйларидан кейин унинг дунёқараши ҳам севишга лойиқ эканини пайқадим. Меҳрим янаям жўшиб кетди. У бағоят оқила, солиҳа, тарбия кўрган қиз эди...



Суҳбат мавзуимиз ўзгарди. У тарихчи, мен врач бўлмоқчи бўлдик. Шунда Муяссар: «Сиз адабиётга қизиқасиз-ку, филолог бўла қолмайсизми? Ахир, китобларингизни ўқиб турардик», – деди ҳазиломуз. «Муяссар–дедим, унинг исмини такрорлайверишдан ҳузур қилишимни ўзига ҳам билдириб қўймоқчи бўлгандай, – ёзувчи билан шоир ҳаёт билан инсон калити. Бу касбга қизиқмай бўлади-ми? Мендан тузук филолог чиқмаса керак. Болалигимда шифокор бўлишни севардим. Ҳатто, баъзи ўртоқларимнинг ярасини вазелин билан даволаганман. Кўп адабиётчиларни эшитгандим. Дастлаб шовқин-сурон солар экан-да, бир-икки йил ўтгач, адабиёт менинг йўлим эмас экан, деб ташлаб юборар экан. Худди ширинлик кўнглига урган қариядек». «Сиз-чи?» деб сўрайди, у. «Мен келажакда шоир ёхуд ёзувчи бўлмасам-да, адабиётдан юз ўгирмайман. У менинг кўзимни очди, онгимни ўстирди. Уни севганим-севган. (Ўшанда, ҳайронман, негадир, адабиётга даъват этган Сиз ўзингиз бўласиз. Бунинг учун Сиздан ўла-ўлгунимча миннатдорман», демаган эканман. Ҳолбуки, ҳақиқатда шундай эди). Чунки адабиётни ўқиш, ўрганиш ҳаётни, инсонларни ўқиш, ўрганиш экан. Ҳаётни, инсонни тушуниш, ўрганиш барча касб кишиларига лозим. Гапим ростми, Муяссар?». Муяссар эътироз билдирмади. Уйдан кўтариб келган Рудакийнинг шеърий тўпламини «Бу сизга» дея узатди. Китоб муқовасидан хушбўй атир ҳиди анқиб турарди... Бу атир ўн йиллар чамаси ўз ҳидини йўқотмай келди. Қачон бўлмасин, уни қўлимга олганимда ўпиб, ҳидлаб қўярдим... Китоб муқовасининг ички бетига: *«Жондан азиз дўстимга, узоқ йиллар эсдалик бўлсин учун тақдим этаман. Муяссар. 3/II 59 йил. М+А»*, деб ёзилган эди...

Тамошадан чиқиб тўғри уларнинг уйи томон йўл олдик. Учрашув ҳар иккимизга қанчалик севинч ва сермазмун дамларни ҳадя этган бўлса, хайрлашувимиз шунчалар оғир ва ҳадикли бўлди. Бундай учрашув бизга яна қачон насиб этади – билмас эдик!...

Кунларимиз маъноли, хавотирли ўта бошлади. Муҳаббатимиз эса тобора оташли тус оларди...

10 февраль. Шу куни дастлабки жойда яна учрашдик. Бу гал Хадрадаги собиқ «Ватан» кинотеатрига келдик...

Бир куни Мавжудага: «Муяссар менга китоб совға қилди», деганимда, у мени койиб: «Шунга ҳам ақлинг етмабди. Сен олдинроқ бирор нарса совға қилишинг керак эди», деганди. Ўшанда изза бўлиб қолган эдим. Бугун ўша хатоимни тузатиш умидида «жамолини кўриб, у орқали мен билан суҳбатлашиб юрсин», деган ниятда унга юмалоқдан келган ойнак совға қилдим. Ойнакнинг иккинчи томонида табиат манзараси тасвирланган эди. «Мана бу эса, Сизга» дедим. Муяссар табассум ҳадя қилиб ойнакни сумкачасига солиб қўйди.

Ич-ичимдан ҳис этардим-ки, у уйида ёлғиз қолган асноларда, бу ойнакка қараб тўймайди. Унга боқиб туриб мен билан ғойибона гаплашади: нималарнидир мендан сўрайди, нималарнидир айтиб, яна ўзи жавоб қилади. Ғўра ёшликнинг ширин хаёлларидан ҳеч ким қочиб қутулмас!

Учрашувимиз жуда яхши ўтди. Бир-биримизга анча кўникиб, ўрганиб қолдик. Муҳаббатимиз оташида бир куни кўриша олмасак, бағримиз ўтда ёнадиган давр бошланди...

Кунларнинг бирида Муяссаримга берган суратим ойисининг қўлига тушибди. Расмим ортига: «Яшасам ҳам, ўлсам ҳам бахтиёр парвонман», деб битиб қўйилган эди.

Муяссар ўқишдан қайтгач, ойиси: «Муяс, мана бу кимнинг сурати?» деб унга кўрсатибдилар. Муяссар: «Ойи! қўйиб қўйинг, жойига» дебди ҳайиқиш ва эркаланиш билан. Ойиси: «Шундай йигитча сени ёқтириб қолганига ҳайронман» дебдилар-да, расмни «жойига» эмас, қулф-калитли ғаладон ичига солиб қўйибдилар. Муяссар бу нохуш хабарни эртасигаёқ менга етказди. Дилимизга ғашлик доғ солди. Ишқимиз нашидасини илгаригидек эркин сура олмай қолдик. Хаёлимизда эрта-индин биз учун оғир дамлар бошланади. Шундай бўлди ҳам... Бусиз ҳам эзилиб кетган қалбимиз бешбадтар эзиладиган бўлди... Айниқса, акаси мен билан учрашганидан кейин севгилимдан ажраб қолишим кўзимга кўриниб кетди...

**(Давоми бор)**

**Азимжон ҚОСИМОВ**

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар" лойиҳаси бўйича тайёрланди.*

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00.
Босишга топширилди- 21.00

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10898
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru